

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонун ва ижро

РЕКЛАМА – КУЧЛИ ВОСИТА

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида 2010 йил 17 сентябрда қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-1-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш масаласига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида рекламани кўпинча савдони ҳаракатга келтирувчи кучли восита, деб аташади. Негаки, у миллионлаб одамлар манфаатига дахлдор бўлиб, жамиятимиз ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланган. Афсуски, бозорнинг барча иштирокчилари ҳам реклама соҳасида ҳалол рақобат олиб бормаяпти, инсонга моддий зарар, баъзида эса ҳатто унинг саломатлигига путур етказиш ҳоллари кузатилмоқда. Мамлакатимизда «ишлаб чиқарувчи-истеъмолчи» муносабатларини тартибга солиш мақсадида «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалда қўлланилмоқда.

Ушбу Қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилишининг асосий сабаблари реклама истеъмолчиларига тўлиқ ва зарур ахборотни тақдим этиш, реклама бизнеси субъектларининг виждонан рақобат юритишига эришиш, тамаки ва алкогольли ичимликлар рекламасини тақиқлаш орқали соғлом авлодни тарбиялашдан

иборат. Реклама соҳасидаги янги ҳуқуқий нормаларга қандай риоя қилинмоқда? Брифингга ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Унда ўз саҳифалари ёки веб-ресурсларида рекламани жойлаштирадиган оммавий ахборот воситалари, кабель телевидение (хорижий каналларни олиб кўрсатадиган), корхоналар, реклама соҳаси билан шуғулланадиган бошқа идоралар вакиллари қатнашди.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг реклама фаолияти назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Дилшод Азимовнинг маълум қилишича, қўмита турли мулкчилик шаклига, эркин тадбиркорлик фаолияти ва ҳалол рақобатга асосланган замонавий бозорни шакллантиришга доир изчил ишларни амалга оширмоқда.

Қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ яширин реклама, қонун билан тақиқланган маҳсулотлар рекламасини тар-

қатганлик учун жарима санкциялари кучайтирилган. Хусусан, тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламаси учун оғоҳлантирмасдан тўғридан-тўғри жарима санкцияси қўллаш кўзда тутилган.

«Реклама тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан ўтган даврда 1,5 мингта, жумладан хўжалик субъектлари томонидан алкогольли ичимликларни жойлаштиришга йўл қўймаслик бўйича тушунтириш тадбирлари ўтказилди. Уларнинг натижалари бўйича қўмитанинг ҳудудий органлари 700 та қонунбузарлик ҳолларини аниқлади, хўжалик субъектларига нисбатан 400 миллион сўмликка яқин қарийб 150 жарима санкциялари қўлланилди.

Реклама бозори вакиллари бундан ўзлари учун хулоса чиқариб олишлари лозим. Зеро, бозор иқтисодиётининг таркибий қисми бўлган реклама иши ҳам нафақат юқори профессионаллини, шу билан бирга одоб-ахлоқ, бадий дид ва албатта, масъулият ҳиссини талаб қилади. Шу сабабли реклама бозори субъектлари бу борада амалдаги қонун нормаларига қатъий риоя этиши, ҳалол рақобат юритиши ва истеъмолчилар олдидаги масъулиятни унутмаслиги даркор.

ЎЗА.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



ТАНЛОВ ЭНГ ЯХШИЛАРНИ АНИҚЛАБ БЕРАДИ

Тошкентда Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус-2011» кўриктанловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Аҳолини тадбиркорлик соҳасига кенг қўламда жалб этишни таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий бизнеснинг ролини сифат жиҳатидан ошириш мақсадида тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кўриктанлов ўтказиб келинаётир. Бу тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1995 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида биноан ташкил этилмоқда.

«Ташаббус» кўрик-танлови мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутди. Уни хусусий тадбиркорлик, биринчи навбатда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширишнинг асосий дастакларидан деса бўлади.

«Ташаббус-2011» кўрик-танлови голибларини аниқлаш бир нечта номинациялар бўйича амалга оширилади, хусусан: «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери», «Йилнинг энг яхши хунарманди» номинациялари, шунингдек махсус номинациялар бўйича «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Энг яхши инновация лойиҳаси», «Ёшлар учун энг фаол иш берувчи», «Энг яхши оилавий бизнес эгаси», «Энг яхши бизнес гоёси».

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

Амалиёт

Куйидаги йўналишларга асосланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ... тасдиқлансин:

...ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмини тақомиллаштириш ва унификациялаш.

Ўзбекистон Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон қароридан.

Ҳақиқий бухгалтер ўз ишини жуда яхши кўради. Айнан нима сабабдан шундай? Бу саволга ҳар ким турлича жавоб бериши мумкин. Лекин барча бухгалтерларни бирлаштириб турадиган бир жиҳат бор – ҲЕЧ ҚАЙСИ бухгалтер солиқ идораси-ю, статистика бўлимларига ҳисобот топширишни ЁҚТИРМАЙДИ. Ҳамма бухгалтерлар учун бош оғриғи ҳисобланган йиллик ҳисоботни-ку, айтмаса бўлар! Чораклик ва ҳар ойлик ҳисобот топшириш ҳам бухгалтерларга даҳмаза туғдиради.



СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИНИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА ТОПШИРИШ МУМКИНМИ?

Йил бошида Давлат статистика қўмитаси статистика ҳисоботларининг электрон тизими йўлга қўйилганини эълон қилиб, бухгалтерлар ҳамжамиятини беҳад қувонтирди. Дастлабки босқичда корхона ва ташкилотларга давлат статистика ҳисоботларини Интернет орқали куйидаги ойлик даврий шаклларда электрон кўринишда топшириш имконияти берилди:

2-ТВ «Аҳоли омонатлари тўғрисида ҳисобот», 3-invest «Чет эл инвестицияси ва кредитлари ва Тикланиш ва таракқиёт фонди маблағлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот», 4-invest «Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисида» ва 1-Mehnat «Меҳнат тўғрисида ҳисобот».

И чорак охиригача яна 20 та электрон шакл тайёр бўлади, йил охиригача эса – умумий ҳисобда 170 тача шакл ишга тушади...

Албатта, буларнинг ҳаммаси жуда яхши: қоғозбозликлар барҳам топади, туман статистика бўлимида навбат кутишлар бўлмайди, хатоларни олдиндан аниқлаш мумкин... Демак, мақсадга ўтайлик – бу электрон ҳисобот шакллари қардан олиш мумкин, у ўзи қандай ишлайди, уни биз ишлата биламизми?

Бу ҳақда батафсил келгуси сонда ўқийсиз.

УШБУ
СОҶДА

2-бет

Шартномани электрон почта орқали тузамиз

\$1 = 1664,52 сўм

4, 13-бетлар

Пенсияни ошириш қондалари

€1 = 2256,13 сўм

5-12-бетлар

Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

£1 = 2701,35 сўм

14-бет

МЧЖ: эр-хотиннинг мулкий муносабатлари

¥10 = 200,33 сўм

ЭЛЕКТРОН ШАРТНОМА ЎЗМА ШАРТНОМА КАБИ

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимиздан мустақкам ўрин олди. Шу сабабли тадбиркорларда электрон шартномалар тузиш имконияти билан боғлиқ саволлар борган сари тез-тез юзага келаётганлиги ажабланарли ҳол эмас.

Мессежерлар (Skype, ICQ), шунингдек электрон почта (e-mail) орқали ёзишма юридик мажбурлаш кучига эгами?

Судга электрон шартнома (Интернетда хабарлар алмашиш йўли билан тузилган) билан мурожаат қилса бўладими?

Интернет (масалан, электрон почта) орқали тузилган шартнома битимнинг ёзма шакли деб ҳисобланадими ёки у шартноманинг мустақил электрон шаклими? Унинг юридик кучи қандай?

Электрон шаклдаги шартномалар мазмуни ва шакли бўйича Фуқаролик кодекси (бундан кейин – ФК), «Хўжалик юри-тувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»¹, «Электрон тижорат тўғрисида»² (бундан кейин – 613-II-сон Қонун), «Электрон рақамли имзо тўғрисида»³ (бундан кейин – 562-II-сон Қонун), «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»⁴ (бундан кейин – 611-II-сон Қонун) ҳамда Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом⁵ (бундан кейин – 1740-сон Низом) билан белгиланган талабларга мувофиқ келиши керак. Бунда фуқаролик қонун ҳужжатлари электрон тармоқлар воситасида тузиладиган шартномаларни алоҳида турга ажратмаслигини айтиб ўтиш жоиз. Интернетда пудрат (масалан, ташрифномаларни тайёрлашга), олди-сотди (ташкилий техника учун сарфлаш материалларини харид қилишга), пулли хизматлар кўрсатишга (веб-сайтни техник қўллаб-қувватлаш) ва ҳоказо шартномалар тузиш мумкин. Бундай битимлар Фуқаролик кодексининг олди-сотди, пулли хизматлар кўрсатиш ва бошқа тегишли қоидалари билан тартибга солинади.

ЭЛЕКТРОН ТАРМОҚДА РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН ШАРТНОМАЛАРНИ ЁЗМА ШАКЛДА ТУЗИЛГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ МУМКИНИ?

Интернетда тузиладиган шартномаларнинг шакли тўғрисидаги масала нафақат назарий кизиқиш уйғотади. Гап шундаки, юридик шахслар фуқаролар ва бошқа юридик шахслар билан шартномаларни фақат ёзма шаклда тузишлари шарт (ФКнинг 108-моддаси). Умумий қоидага кўра, агар тарафлар битимни ёзма шаклда тузиш тўғрисидаги талабни бузсалар, улар низо чиққан тақдирда унинг шартлари бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар (ФК 109-моддасининг биринчи қисми).

Ёзма шаклда тузилган битимни тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши керак (ФКнинг 107-моддаси). Бу – мажбурий шарт, шундай қилинганда битим ёзма шаклда тузилган деб эътироф этилади.

Шуни қайд этиш лозимки, қонун ҳужжат ҳақида сўзлайди, бироқ унинг қоғоз шакли бўлиши мажбурий эканлигини айтмайди. Электрон ҳужжат ФК 107-моддасини талқин қилишда ҳужжат деб ҳисобланишини аниқлаш учун, 611-II-сон Қонун ва 1740-сон Низомга мурожаат қиламиз. 611-II-сон Қонун 5-моддасининг биринчи қисмида белгиланишича, электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа ре-квизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир ҳамда у ана шу Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади. Буни 1740-сон Низомнинг 3 ва 4-бандлари ҳам тасдиқлайди,

¹1998 йил 29 августдаги 670-I-сон.

²2004 йил 29 апрелдаги 613-II-сон.

³2003 йил 11 декабрдаги 562-II-сон.

⁴2004 йил 29 апрелдаги 611-II-сон.

⁵ТИАИСВ, ДБК ва ДСҚнинг қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 21 ноябрда 1740-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

уларга кўра электрон тижоратни амалга оширишда қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки томонларнинг келишуви ҳужжатни ўз имзоси билан тасдиқлашни талаб қилса, электрон ҳужжат агар электрон тижорат томонлари электрон рақамли имзони (ЭРИ) ўрнатиш таомилини бажарганидан сўнг имзоланган деб ҳисобланади.

Электрон ҳужжат электрон тижорат томонлари тарафидан тан олинади, агар:

электрон ҳужжатда ЭРИнинг аслиги тасдиқланса;

ЭРИ калити сертификати ЭРИ аслиги тасдиқланганидан вақтда ёки электрон ҳужжатни имзолаш вақтида имзолаш вақтини аниқловчи далиллар мавжуд бўлганда;

ЭРИ электрон ҳужжатда ЭРИ калити сертификатида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилганда.

Бинобарин, электрон хабар оддий ҳужжатга тенг бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган нормалар иккинчи саволга ҳам жавоб беради: битимни амалга оширган шахснинг ўз қўли билан чеккан имзоси электрон рақамли имзо билан ҳам алмаштирилиши мумкин.

Кўрамизки, қонун ҳақиқатан амалда ҳар қандай битимни электрон хабар шаклида тузиш ва уни электрон рақамли имзо билан имзолаш имконини беради. Ушбу шартларга риоя этилганда электрон битим ҳақиқий бўлади.

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТДА ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

Шартнома тузаётганда унинг муҳим шартлари: шартноманинг предмети, ФКга мувофиқ мазкур турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур шартлар деб аталган шартлар, шунингдек уларга нисбатан тарафлардан бирининг аризасига кўра келишувга эришиш керак бўлган барча шартлар юзасидан келишувга эришиш лозим.

Электрон шартномага қуйидагилар киритилиши керак: юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда тўлиқ номи ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми-шарифи;

юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг манзили ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида маълумотлар, солиқ тўловчининг идентификацион рақами, электрон манзили, почта манзили ва телефони ҳамда, агар мавжуд бўлса, сайтининг домен номи;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда – лицензия мавжудлиги тўғрисида маълумотлар (унинг рақами, амал қилиш муддати, лицензияловчи органнинг номи); таклиф қилинадиган ёки буюртма бериладиган товарлар, ишлар ёки хизматлар рўйхати, уларни тақдим этиш шартлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда – товарлар, ишлар ва хизматларнинг сертификатланганлиги тўғрисида гувоҳномалар;



ҳисоб-китоб ўтказиш тартиби;

тарафларнинг банк реквизитлари;

ЭРИ калити сертификатининг рўйхат рақами, гувоҳнома берган Электрон рақамли имзоларни рўйхатдан ўтказиш марказининг реестридаги имзо калити сертификатининг амал қилишининг бошланиш ва тугаш вақти;

ушбу очик калит билан фойдаланиладиган ЭРИ воситаларининг номи;

ЭРИ калити сертификатини берувчи, гувоҳнома берган ЭРИни рўйхатдан ўтказиш марказининг номи ва жойлашган жойи;

амалга оширишда электрон ҳужжат ЭРИ билан юридик аҳамиятга эга бўладиган муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар;

контракт ва томонларнинг контракт бўйича мажбуриятларини ижро этиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни имзолаш усули;

томонлар ўртасида контракт бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда электрон ҳужжатларни алмашиш тартиби;

ЭРИдан фойдаланиш ва (ёки) ҳужжатни имзолаган ваколатли шахсни идентификациялаш тартиби, шунингдек ҳужжатнинг аниқлигини текшириш тартиби;

томонлар белгиланган ахборот тизимида ёки Интернет тармоғидаги сайтда, бошқа очик ёки корпоратив тармоқларда мавжуд электрон ҳужжатларга ҳавола қилиш йўли билан контрактга киритилган шартларга ҳавола ва кўрсаткичлар;

томонлар ёзишмалари ёки контракт бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатли ахборотни сақлаш тартиби;

томонларнинг ўз персонал маълумотларига, ёзишмалар ва контракт бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатли ахборотларга киришини таъминлаш тартиби.

ЭЛЕКТРОН ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ТАОМИЛИ

Электрон шартномани тузиш тартиби 613-II-сон Қонун билан тартибга солинган. Унинг 9-моддасига мувофиқ электрон тижоратда шартнома қуйидагилар воситасида тузилиши мумкин:

электрон ҳужжатларни айирбошлаш;



Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

- ✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**
 - Статистика ҳисоботини электрон шаклда топшириш мумкинми? **1-бет**
 - Танлов энг яхшиларни аниқлаб беради
- ✓ **ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ**
 - Электрон шартнома ёзма шартнома каби **2-бет**
- ✓ **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
 - Давлат герби тасвиридан фойдаланишга ҳуқуқингиз борми? **3, 14-бетлар**
 - Эр ва хотин бир МЧЖда
- ✓ **РАСМИЙ ЖАВОБ**
 - Пенсия арафасидаги иш ҳақидан келиб чиқиб **4, 13-бетлар**
- ✓ **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 - **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори**
 - «Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида»
 - **Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**
 - УЗР ИВ, МВ, ДСҚнинг «Ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўловни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
 - УЗР ДСҚ, МВнинг «Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
 - УЗР МВ, ДСҚнинг «Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори. **5-12-бетлар**
- ✓ **top** **15-16-бетлар**

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	24.02.2011	1	0,7943	1	1,0942	1	0,0273
Арманистон	24.02.2011	1	365,71	1	504,42	1	12,58
Беларусь	25.02.2011	1	3023,00	1	4150,88	1	103,67
Грузия	25.02.2011	1	1,7585	1	2,4246	1	6,0303
Қозғистон	25.02.2011	1	146,02	1	200,97	1	5,01
Қирғизистон	25.02.2011	1	47,4763	1	64,4501	1	1,6222
Латвия	25.02.2011	1	0,511	1	0,702804	1	0,0175
Литва	25.02.2011	1	2,5187	1	3,4528	10	8,64
Молдова	24.02.2011	1	12,0563	1	16,5618	1	0,4129
Тожикистон	25.02.2011	1	4,41	1	6,0704	10	1,5175
Ўзбекистон	22.02.2011	1	1664,52	1	2256,13	1	56,89
Украина	24.02.2011	100	793,27	100	1089,239	10	2,7087
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

электрон ҳужжат кўринишида бўлмаган (масалан, қоғоз шаклида), қабул қилиб олинган оферта (шартнома тузиш таклифи) қабул қилинганлиги тўғрисидаги электрон ҳужжатни жўнатиш;

электрон ҳужжат кўринишида бўлган, қабул қилиб олинган офертадаги шартнома шартларини бажариш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш.

Шартнома тузиш тартиби Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади, у икки босқични назарда тутди: офертани юбориш ва унинг акцепти. Олди-сотди электрон шартномасини тузиш таомилини баён этамиз. Сотувчи харидорга унинг ЭРИ билан имзоланган, келишган шартларда товарни сотиб олиш таклиф қилинган электрон хабарни юборади. Оферта:

электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда шартнома тузиш тартибини;

шартнома шартларини келишиб олиш чоғида ўзгартишлар киритиш имконияти ва тартибини;

акцептни электрон ҳужжат воситасида юбориш ва қабири олиш тартибини;

хамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ре-сида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш нули билан шартномага киритилган шартларга тааллуқли қайдларни ўз ичига олган бўлиши керак (613-II-сон Қонуннинг 11-моддаси). Харидор офертани олганидан кейин сотувчига ўзининг ЭРИ билан имзоланган, офертани қабул қилганлиги, яъни товарни сотиб олишга розилиги тўғрисида жавоб билан электрон хабар юборади. Шу тариқа тарафлар ҳужжатлар – ҳаққонийлиги ўз электрон рақамли имзолари билан тасдиқланган электрон хабарлар билан алмашадилар. Шартнома сотувчи томонидан харидорнинг шартнома тузиш ёки харидор томонидан офертани электрон ҳужжатда акцепт учун назарда тутилган ҳаракатлар содир этилиши тўғрисида таклифини қабул қилиши ҳақида электрон хабар олинган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Офертани ўз ичига олган электрон ҳужжат унинг шартларига розилигини кўрсатмасдан олинганлиги тасдиғи ҳам, товарлар (ишлар, хизматлар) харидорининг ҳаракатсизлиги ҳам акцепт ҳисобланмайди.

Шартнома фақат электрон ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда тузилганлигига асосланиб ҳақиқий эмас деб топилши мумкин эмас.

ЭЛЕКТРОН ШАРТНОМА СУДДА ДАЛИЛ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Хўжалик процессуал кодексининг 62-моддасида ёзма далиллар сифатида электрон алоқа ёрдамида олинган ҳужжатлар ҳам белгиланган, шу сабабли улар исботлаш кучига эгадир. Хўжалик суди бирламчи далиллардан ўзини қизиқтирадиган фактлар тўғрисида ахборот олиш учун барча чораларни кўриши шарт.

Электрон ҳужжатнинг асл нусхаси нима ҳисобланади? 611-II-сон Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ ҳар қандай айнан ўхшаш нусха, башарти унинг ҳақиқийлиги тасдиқланса, шундай ҳужжат бўлади. Бугунги кунда ЭРИ асосида электрон ҳужжатлар файлларини ҳимоя қилиш ўзини етарлича оқлади, унинг ёрдамида электрон ҳужжатнинг ҳаққонийлиги тасдиқланиши мумкин. Ундан фойдаланишнинг тартиби ва шартларини белгилаб берадиган умумий қоидалар 562-II-сон Қонун билан белгиланган. Уларга мувофиқ электрон рақамли имзо қўйилган электрон ҳужжат ЭРИ калити сертификатида кўрсатилган муносабатлар амалга оширилгандагина юридик аҳамиятга эгадир.

Имзо калити сертификати – ахборот тизими иштирокчисига электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш ва калит сертификати эгаси имзосини идентификациялаш учун бериладиган, қоғоз ёки электрон шаклдаги ҳужжат.

Бинобарин, қонун ҳужжатларига мувофиқ келадиган реквизитларга эга бўлган электрон шартномалар судда далил бўла олади. Буни 613-II-сон Қонуннинг 12-моддаси ҳам тасдиқлайди, унда айтилишича, электрон шартномадан битим тузилганлигининг далили сифатида фойдаланиш мумкин.

Қонун ҳужжатларида ҳужжатлаштиришнинг замонавий воситалари назарда тутилгандек кўринади. Бироқ агар ёзма ҳужжатларни далиллар сифатида тақдим этиш аниқ-пухта тартибга солинган бўлса, электрон шаклда тақдим этилган далиллар (шу жумладан электрон шартномалар)ни амалдаги процессуал қонунчилик етарлича тартибга солимаган – унда уларни тақдим этишнинг шакллари ва бичимлари бўйича аниқ талаблар мавжуд эмас. Қонунда фактик маълумотларни электрон шаклда тақдим этиш ботида чеклашлар белгиланмаган, шу боис уларнинг исталгани судда инobatга олинган далил ҳисобланиши мумкин. Тақдим этилган электрон ҳужжатларнинг шакллари тақдиқ этиш ва уларни суд йиғмажилдига тикиб қўйиш тартибининг процессуал меъёрлари ҳам белгиланмаган.

Шу сабабли ушбу масалаларнинг барчасини қонун йўли билан тартибга солиш мақсадга мувофиқдир.

Баъзи бир хулосалар. Электрон шартнома қоғоз шаклидаги ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан баравар юридик кучга эгадир (611-II-сон Қонуннинг 7-моддаси). Мазкур шартномадан, масалан, судда битимлар амалга оширилганлиги далили сифатида фойдаланиш мумкин (613-II-сон Қонуннинг 12-моддаси).

Шу сабабли тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, электрон ҳужжат айланиши воситалари соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари ўз муносабатларини қоғоз шаклидаги ҳужжатлар асосида қурадиган субъектлар билан тенгдирлар.

Елена ЕРМОХИНА,
«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.


ДАВЛАТ ГЕРБИ ТАСВИРИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ҲУҚУҚИНГИЗ БОРМИ?

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига яқинда бир қатор ўзгартишлар киритилди. Энди нодавлат ташкилотлар ходимларининг шахсини тасдиқлайдиган гувоҳномалар муқовасида Ўзбекистон Республикаси гербининг бўлиши қонунбузарлик ҳисобланадими?

Газетхон.

– Ҳақиқатан ҳам, «Ўзбекистон Республикаси давлат герби тўғрисида»ги Қонунга (1992 йил 2 июлдаги 616-XII-сон, бундан кейин – Қонун)

ўзгартишлар киритилди¹, улар 2010 йил 25 декабрдан кучга кирди. Улар туфайли Қонун энди Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвиридан фой-



¹2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-273-сон Қонун.

даланиш мумкин бўлган ҳолларнинг ба-тафсил рўйхатини назарда тутди. Нодавлат муассасалар ходимларининг шахсини тасдиқлайдиган гувоҳнома-ларнинг муқовалари ва бошқа ҳужжат-лари унда назарда тутилмаган.

Шахсни тасдиқлайдиган ҳужжат ташкилот, муассаса ёки корхона томонидан ўз ходимига бериладиган ҳуж-жатдир. Қонуннинг 5-1-моддасига кўра эса Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини **нодавлат ташкилотлар ҳужжатларининг рек-визитлари** ёки реклама материалла-рига киритилишига йўл қўйилмайди.

Бундан шундай хулоса чиқариш мум-кинки, нодавлат муассасалар ходимла-рининг шахсини тасдиқлайдиган гувоҳ-номаларда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг бўлиши Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс бунинг учун фуқа-роларга энг кам иш ҳақининг 3 баравар-ригача, мансабдор шахсларга эса 3 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солишни назарда тутди.

Абдурахмон БАХТИЕВ,
«Норма» МЧЖ юрисконсульти.

ИККИНЧИ ИМЗО ҲУҚУҚИ

Мен хусусий корхонанинг директориман. Бухгалтерия ҳисоботини мустақил равишда юристаман. Бизга хизмат кўрсатувчи банк бош бухгалтерим бўлишини ва тўлов топшириқ-номаларида иккинчи имзо қўйилишини талаб қилмоқда. Бунда банк Марказий банкнинг йўриқнома-сини ва ж қилиб келтиряпти. Банкнинг ҳаракатлари қонунийми?

ХК директори.

– Газетамиз саҳифаларида ушбу мавзу бир неча мартаба кўтарилган. Хусусан, «Икки вазифани уддалаш» («Норма маслаҳатчи», 2007 йил 5 июндаги 23 (100)-сон), «Директорга ваколатлар беринг» («Норма маслаҳатчи», 2009 йил 28 сентябрдаги 39 (220)-сон) материаллари-да.

Ушбу масалага яна бир тўхтаб ўтмоқчимиз. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг¹ (бундан кейин – Қонун) 8-моддасига кўра раҳбар имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлаши керак. Биринчи рўйхатга раҳбарлик вазифаларини амалга оши-рувчи шахслар, иккинчисига бухгалтерия ҳисоби ва мо-лиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар кирди.

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқноманинг² 33-бандига мувофиқ раҳбар томонидан тасдиқланган, имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккала рўйхати имзоларнинг на-муналари бўлган карточкага киритилади. Имзоларнинг намуналари ва муҳр изи қайд этилган карточка нотари-ал тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомнинг³ 13-бандига кўра, пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини банк фақат биринчи нусхада (асл нусха-да) имзолар намуналари ва асосий муҳрнинг изи қайд этилган карточкада кўрсатилган мансабдор шахсларнинг имзолари бўлгандагина ижара учун қабул қилади.

Қонун 7-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юридик шахсда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни раҳбар амалга оширади. Кўрсатилган модданинг иккинчи қисми ушбу қондан амалга оширишнинг учта усулини назарда ту-тади:


- 1) бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил қилиш ёки шартнома асосида жалб этил-ган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;
- 2) бухгалтерия ҳисоби юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига юклаш;
- 3) бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Ушбу усуллардан бирортасини танлаш ва қўллаш – раҳ-барнинг ҳуқуқи. Агар у бухгалтерия ҳисобини учинчи шах-сларнинг ёрдамидан фойдаланмай, ўзи юритишга қарор қилса, Қонун уни бош бухгалтер лавозимига ходимни ёллаш-

¹1996 йил 30 августдаги 279-I-сон.

²МБ бошқарувининг АВ томонидан 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқ-ланган.

³МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.



бир кишининг имзоси бўлади, зеро ушбу вазифаларни қўшиб олиб боришга ўша Қонуннинг ўзи рухсат беради.

Кўрсатилган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига зид бўлмаса-да, амалиётда банклар буйруқ ва штат жад-валига кўра бир киши раҳбар ва бош бухгалтер учун имзо қўйган, имзолар намуналари қайд этилган карточкани қабул қилишдан бош тортиптилар.

Ҳозирги вақтда Қонуннинг янги тахрири устида иш олиб бориляпти. Шу муносабат билан унга мазкур вазиятнинг низоли эканлигини истисно этувчи нормани киритиш мақ-садга мувофиқ бўлар эди. Масалан, раҳбар бухгалтерия ҳисобини юритиш вазифаларини ўз зиммасига олган тақ-дирда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларига белгиланган тар-тибда раҳбарлик вазифаларини ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираёт-ган шахс сифатида имзолаш ҳуқуқи берилган бир шахс-нинг икки имзоси қўйилади.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юрисконсульти.

ПЕНСИЯ АРАФАСИДАГИ ИШ ҲАҚИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ



Биз, Яланғоч даҳасидаги 127-уйда яшовчи пенсионерлар, нима учун пенсияларни ошириш вақтида уларни газетада кўрсатиладиган

фоизга ҳеч кўпайтирмасликларини билишни хоҳлаймиз. Ҳар доим 12% ўрнига 6%га, 20% ўрнига 15%га, 10% ўрнига 5%га, баъзиларга эса бундан ҳам камига оширилади. Биз тўлиқ фоиз олиш учун нима зарурлигини билишни истаймиз. Пенсияга чиқиш учун қанча стаж, иш ҳақи ёки вақт керак? Пенсияларни ошириш фоизига нималар таъсир қилади? Ҳар доим «ўртача» шунча фоиз деб ёзишади. «Ўртача» деган формулировка билан пенсияни ким қанчага хоҳласа ошириши мумкин.

Ушбу масалани пенсия кимга, қанча ва нима учун тайинлишини ҳамма учун тушунарли қилиб баён этиб берсангиз. Агар, мумкин бўлса, 2010 йил мобайнида бизнинг уйдаги барча пенсионерларга фоиз тўғри ҳисоблаб ёзилган-ёзилмаганлигини текшириб берсангиз.

Бир гал инспектор бизга: «Газеталарда исталган фоиз ёзилаверсин. Биз учун буни билишнинг қизиғи йўқ. Бизга ошқор этилмайдиган кўрсатма беришади, фоизларни ўшанга қараб ҳисоблаб ёзамиз» – деди. Ана шундай ошқор этилмайдиган кўрсатманинг борлиги тўғрими? Агар бор бўлса, уни ким чиқарган?

Биз ижтимоий таъминот бўлими ва бошқа инстанцияларга бир неча марта мурожаат қилдик. Унга жавобан расмийлик учун ёзилган ва маъноси ноаниқлигича қолган хатлар олдик. Биз газетангиз кўп масалаларга билимдонлик билан ойдинлик киритади деб эшитдик. Имконга қараб бу ишда бизга ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

Хурмат билан пенсионерлар
(7 имзо).

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ пенсия миқдорларини кўпайтириш масаласи бўйича мурожаатингизни кўриб чиқиб, қуйидагича тушунтириш беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан пенсиялар миқдорлари қуйидагича кўпайтирилиши белгиланган: 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сон Фармон билан 1.12.2009 йилдан – ўртача 1,12 баравар; 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон Фармон билан 1.08.2010 йилдан – ўртача 1,2 баравар; 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сон Фармон билан 1.12.2010 йилдан – ўртача 1,1 баравар.

Юқорида саналган фармонларни ижро этиш учун Меҳнат вазирлиги томонидан Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида низомлар* (бундан кейин – Низомлар) ишлаб чиқилди, улар Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Президентнинг мазкур фармонлари ва Низомларга кўра қуйидаги энг кам миқдорлар белгиланди: 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сон Фармон бўйича иш ҳақи – 37 680 сўм, ёшга доир пенсия – 74 660 сўм; 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон Фармон бўйича иш ҳақи – 45 215 сўм, ёшга доир пенсия – 88 845 сўм; 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сон Фармон бўйича иш ҳақи – 49 735 сўм, ёшга доир пенсия – 97 285 сўм.

Низомларнинг 2-бандига асосан 1991 йил 1 январгача ва кейинги йилларда тайинланган пенсиялар миқдорларини бараварлаштириш, шунингдек уларни қайта ҳисоб-китоб қилиш учун йиллар ва ойлар бўйича табақалаштирилган янги тузатув коэффицентлари белгиланади. Чунончи, Президентнинг ПФ-4253-сон Фармони бўйича пенсиялар қуйидагича қайта ҳисоб-китоб қилинди: аввал пенсия ишида мавжуд бўлган иш ҳақларига янги (2010 йил декабрдан жорий этилган) тузатув коэффицентларини қўллаш йўли билан янги ўртача ойлик иш ҳақи белгиланади. Агар у республикада Президентнинг Фармони билан белгиланган янги энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиб чиқса, пенсия ундан келиб чиқиб қайта ҳисоб-китоб қилинади. Агар замонавийлаштирилган иш ҳақи энг кам иш ҳақи миқдорининг 8 баравари суммасидан ошса, иш ҳақи Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни** 31-моддасининг талабларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг 8 баравари миқдorigа тенг сумма (2010 йил 1 декабрдан – 49 735 x 8 = 397 880 сўм) билан чекланади, ундан, қонунчилик билан белгиланган меъёрларга кўра, пенсиянинг янги миқдори ҳисоблаб чиқарилади.

Табиики, энг кам миқдорлар 10%га оширилганда, энг кам миқдордан, шунингдек энг кам иш ҳақининг 8 баравари миқдоридан ошадиган ўртача ойлик иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилган пенсиялар, пенсиянинг бундан аввалги миқдори билан таққослаганда, 10%га оширилган бўлади.

Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, пенсия ҳисоб-китобда қўлланиладиган тузатув коэффицентлари бор-йўғи 4,5%га оширилган. Натижада энг кам ёки энг кўп иш ҳақидан пенсияси ҳисоб-китоб қилинмаган пенсионерларнинг пенсияси 4,5%дан бошлаб оширилган.

Пенсияларни оширишнинг худди шундай механизми Президентнинг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сон ва 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон фармонлари бўйича пенсияларнинг қайта ҳисоб-китобларида ҳам қўлланган.

О.ЛЕБЕДЕВА,
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

*Тахририятдан: АВ томонидан 2009 йил 26 ноябрда 2049-сон билан рўйхатдан ўтказилган. «СБХ»нинг 2009 йил 21 декабрдаги 51 (232)-сонда чоп этилган.

АВ томонидан 2010 йил 20 июлда 2123-сон билан рўйхатдан ўтказилган. «СБХ»нинг 2010 йил 5 августдаги 30 (834)-сонда чоп этилган.

АВ томонидан 2010 йил 20 ноябрда 2158-сон билан рўйхатдан ўтказилган. «СБХ»нинг 2010 йил 16 декабрдаги 50 (854)-сонда чоп этилган.

**1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон, бундан кейин – Қонун.



Белгиланган коэффицентларни ҳисобга олган ҳолда даромадни ҳисоблаймиз:

Давр	Даромад (сўм)	Кoeff.¹	2010 йил 1 августга замонавийлаштирилган даромад (сўм)	Кoeff.¹	2010 йил 1 декабрга замонавийлаштирилган даромад (сўм)
2005 йил 1 январдан апрелгача	90 000	7,09	638 100	7,409	666 810
2005 йил 1 майдан сентябргача	50 000	5,9	295 000	6,1655	308 275
2005 йил 1 октябрдан 2006 йил июнгача	450 000	4,92	2 214 000	5,1414	2 313 630
2006 йил 1 июлдан октябргача	100 000	4,1	410 000	4,2845	428 450
2006 йил 1 ноябрдан 2007 йил июлгача	120 000	3,42	410 400	3,574	428 880
2007 йил 1 августдан октябргача	150 000	2,73	409 500	2,8528	427 920
2007 йил ноябрь	50 000	2,48	124 000	2,5916	129 580
2007 йил 1 декабрдан 2008 йил мартгача	165 000	2,28	376 200	2,3826	393 129
2008 йил 1 апрелдан августгача	55 000	2,02	111 100	2,111	116 105
2008 йил 1 сентябрдан октябргача	110 000	1,68	184 800	1,7556	193 116
2008 йил ноябрь	55 000	1,6	88 000	1,672	91 960
2008 йил 1-декабрдан 2009 йил июлгача	170 000	1,51	256 700	1,578	268 260
2009 йил 1 августдан ноябргача	110 000	1,21	133 100	1,2644	139 084
2009 йил декабрь	55 000	1,14	62 700	1,1913	65 521,5
		Жами:	5 713 600	Жами:	5 970 720,5

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-4253-сон Фармони ва илова (молия вазирининг АВ томонидан 2010 йил 20 ноябрда 2158-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган).

²Президентнинг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон Фармони.

³Президентнинг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сон Фармони.

⁴Президентнинг 2010 йил 9 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-4224-сон Фармони бўйича Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби ҳақида низомга илова (молия вазирининг АВ томонидан 2010 йил 20 июлда 2123-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган).

13-бетда

БИРГАЛИКДА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛАМИЗ

Ушбу тушунтириш асосида юрисконсультимиз
Мария ТУХТАРОВА тайёрлаган

энг кам иш ҳақининг янги миқдори жорий этилиши муносабати билан пенсияни ўзгартириш механизмини намоён қилиш этувчи

ПЕНСИЯНИ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШГА МИСОЛЛАР

Пенсиянинг базавий миқдорини белгилаш учун ўртача ойлик амалдаги иш ҳақи, ишда та-наффуслар мавжудлигидан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг кейинги 10 йили мобайнида исталган кетма-кет 5 йил учун (пенсия олиш учун мурожаат қилган шахснинг танлаши бўйича) олинади (Қонун 31-моддасининг биринчи қисми). 1991 йил 1 январгача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдорларини бараварлаштириш, шунингдек уларни қайта ҳисоб-китоб қилиш учун йиллар ва ойлар бўйича янги табақалаштирилган тузатув коэффицентлари белгиланади, улар ўтган йиллар даромадларини ҳозирги пайтга бараварлаштиради.

МИСОЛ. Пенсионер 2000 йил январда 28 100 сўм олди. Ушбу суммани иш ҳақининг ошишлари, инфляция ва бошқа бозор кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш кераклиги тушунарли. Шу сабабли қонунчилик билан тузатув коэффицентлари белгиланади. Чунончи, охириги белгиланган тузатув коэффицентларига¹ кўра, 2000 йилда олинган даромадларга 21,412 коэффицентни қўллашди. Яъни 2000 йилда олинган 28 100 сўм – ҳозирги пайтга мослаштирилган 601 677,2 сўм демак.

БАРЧА МИСОЛЛАРГА УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

Келтирилган барча мисолларда фуқаро 2010 йил 1 августда пенсияга чиққан. Унинг даромади охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти мобайнида кетма-кет 5 йил учун – 2005 йилдан 2009 йилгача ҳисоб-китоб қилинади.

Ўртача ойлик иш ҳақи қуйидаги тартибда ҳисоблаб чиқарилади: ишланган 60 календар ой учун иш ҳақининг умумий суммаси 60 га бўлинади.

Пенсия ҳисоб-китоби учун энг кам иш ҳақининг (бундан кейин – ЭКИХ) 8 бараваридан ошмайдиган суммада иш ҳақи олинади.

2010 йил 1 августда 1 ЭКИХ = 45 215 сўм².

2010 йил 1 декабрда 1 ЭКИХ = 49 735 сўм³.

ЁШГА ДОИР ЭНГ КАМ ПЕНСИЯНИНГ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБИГА МИСОЛ

Пенсионернинг 5 йиллик даромади:

(сўм)

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Январь	30 000	50 000	0	55 000	60 000
Февраль	30 000	50 000	60 000	55 000	0
Март	30 000	50 000	60 000	55 000	0
Апрель	0	50 000	0	55 000	0
Май	0	50 000	0	0	0
Июнь	0	50 000	0	0	55 000
Июль	0	50 000	0	0	0
Август	0	50 000	50 000	0	0
Сентябрь	50 000	0	50 000	55 000	0
Октябрь	50 000	0	50 000	55 000	55 000
Ноябрь	50 000	0	50 000	55 000	55 000
Декабрь	50 000	0	0	55 000	55 000

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида».

ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР:

– ЎзР ИВ, МВ, ДСҚнинг «Ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўловни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДСҚ, МВнинг «Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАРГА ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ЯНГИ НАМУНАДАГИ АКЦИЗ МАРКАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон қарорига мувофиқ ҳамда алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2011 йил 1 апрелдан бошлаб алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига дизайни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, химоянинг қўшимча даражаларига эга бўлган янги намунадаги акциз маркалари жорий этилсин.

2. Белгилансинки, эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоғидаги алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб олти ой ўтгач маркаланмаган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси:

янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисидаги зарур ахборотни алкоголли маҳсулотлар ва

тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар эътиборига етказсинлар;

ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импорт қилувчиларнинг янги намунадаги акциз маркалари тайёрлашга буюртмалари «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз вақтида жойлаштирилишини таъминласинлар;

2011 йил 1 октябрдан бошлаб эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда уларнинг улгуржи ва чакана савдо тармоғида сотилишини аниқлаш ҳамда олдини олиш, шунингдек ушбу маҳсулотларни белгиланган тартибда олиб қўйиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоровий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2011 йил 16 февраль
33-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

ИШЛАТИБ КЕЛИНАЁТГАН ТЎЛИҚ ЭСКИРГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР УЧУН ТЎЛОВНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 2199

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари

прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 513-модда) 7-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қиладилар:

*2011 йил 3 мартдан кучга киради.

1. Ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўловни ундириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Иқтисодиёт вазири
Р.ГУЛЯМОВ.

3-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.

2011-2-сон

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.

7-сон

Тошкент ш., 2011 йил 25 январь.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

ЎзР ИВ, МВ ва ДСҚнинг

2011 йил 25 январдаги 3, 7 ва 2011-2-сон қарорига
ИЛОВА

ИШЛАТИБ КЕЛИНАЁТГАН ТЎЛИҚ ЭСКИРГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР УЧУН ТЎЛОВНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 513-модда) 7-бандига мувофиқ ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўловни (кейинги ўринларда тўлов деб юритилади) ундириш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом хўжалик юритувчи субъектларга татбиқ этилади, бундан микрофирма ва кичик корхоналар мустасно.

2. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

тўлов – унумли фойдаланиш муддати ўтган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналардан фойдаланганлик учун бюджетга тўлов;

асбоб-ускуна – маҳсулот ишлаб чиқариш (иш, хизмат кўрсатиш) жараёнида фойдаланиладиган машина ва асбоб-ускуналар;

тўлиқ эскирган асбоб-ускуна – бир вақтнинг ўзида қуйидаги мезонларга жавоб берадиган асбоб-ускуна:

асбоб-ускуна мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган асбоб-ускуналар гуруҳи рўйхатига киритилган бўлса;

асбоб-ускуна бўйича юз фоизлик эскириш (амортизация) ҳисобланган бўлса;

асбоб-ускуна мазкур Низомнинг 5-банди хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унумли фойдаланиш муддатидан ортиқ муддатларда фойдаланилаётган бўлса;

асбоб-ускунанинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати – уни сотиб олиш, қуриш (барпо қилиш) ва тайёрлаш, етказиб бериш ҳамда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириш учун сарфланган, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта баҳолашларни ҳисобга олган ҳолдаги ҳақиқий харажатлар қиймати.

II. ТЎЛОВЧИЛАР

3. Тўлов тўловчилар бўлиб, ташкилот балансида асосий воситалар сифатида ҳисобга олинган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналардан ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланилаётган юридик шахслар ҳисобланади.

III. УСКУНАДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУДДАТИНИ АНИҚЛАШ

4. Асбоб-ускунанинг ўрнатилган унумли фойдаланиш муддати ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ аниқланади.

5. Гуруҳлар бўйича асбоб-ускунанинг унумли фойдаланиш муддати қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади:

агар ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ ўрнатилган асбоб-ускунанинг унумли фойдаланиш муддати техник ҳужжатларда кўрсатилган муддатлардан юқори ўрнатилган бўлса, асбоб-ускунанинг унумли фойдаланиш муддати техник ҳужжат асосида ҳисобга олинади;

агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбир ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 50-сон, 496-модда) мувофиқ ваколатли орган томонидан асбоб-ускунани техник диагностикадан ўтказиш натижасида, унинг фойдаланиш муддати узайтириладиган бўлса, асбоб-ускунанинг ўрнатилган унумли фойдаланиш муддати узайтирилган муддатни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

IV. ТЎЛОВ ҲИСОБЛАШ УЧУН БАЗА

6. Тўлов ҳисоблаш учун база бўлиб, мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган меъёрларга жавоб берадиган асбоб-ускунанинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати ҳисобланади, бундан қуйидагилар мустасно:

молиявий ижара (лизинг) шартномасига кўра олинган асбоб-ускуна, молиявий ижара (лизинг) шартномаси муддати давомида;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервация қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинган асбоб-ускуна.

**V. ТЎЛОВ МИҚДОРИ
ВА УНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ**

7. Тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади.

8. Тўлов суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$П = \text{Пст} \times С / 100, \text{ бу ерда:}$$

П – тўлов суммаси;

Пст – асбоб-ускунанинг ҳисобот даври охиридаги бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (31 декабрь);

С – фоизда белгиланган тўлов миқдори.

Масалан, мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган мезонларга жавоб берадиган асбоб-ускунанинг ҳисобот даври охиридаги (яъни, 31 декабрь ҳолатига) бошланғич қиймати 50 000 минг сўмни ташкил этади, 2011 йил учун тўлов миқдори эса 0,25 фоиз миқдорида белгиланган. У ҳолда бюджетга тўланадиган тўлов суммаси 125 минг сўмни ташкил этади (50 000 x 0,25 / 100).

VI. ҲИСОБОТ ДАВРИ

9. Ҳисобот даври бўлиб календарь йил ҳисобланади.

**VII. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ
ВА ТЎЛОВНИ ТЎЛАШ**

10. Тўлиқ эскирган асбоб-ускунадан фойдаланилганлик учун тўлов маълумотнома-ҳисоб-китоби мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралига қадар солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади.

11. Ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуна учун тўлов, Маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга ўтказилади.

VIII. ТЎЛОВНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

12. Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик счёти бўйича амалга оширилади.

Ҳисобланган тўлов суммаси қуйидагича акс эттирилади:

9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебети;

(6400) бюджетга тўловлар бўйича қарздорликни ҳисобга олиш счётининг кредити.

Бюджетга ўтказилган тўлов суммаси қуйидагича акс эттирилади:

(6400) бюджетга тўловлар бўйича қарздорликни ҳисобга олиш счётининг дебети;

пул маблағларини ҳисобга олиш счётининг кредити.

**IX. ТЎЛОВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ
ВА ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИНИНГ
НАЗОРАТИ**

13. Тўловчилар тўловнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

14. Тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органи томонидан амалга оширилади.

15. Тўловни ўз вақтида бюджетга ўтказмаганлик учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня ҳисобланади.

*Ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўловни
ундириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА*

**ТЎЛОВ УНДИРИЛАДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ
УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУДДАТЛАРИ**

<i>Асбоб-ускуналар</i>	<i>Кодлар (шифрлар)</i>	<i>Унумли фойдаланиш муддати (йилларда)</i>
Кучланиш асбоб-ускуналари	40	
Теплотехник асбоб-ускуналар	400	25
Турбина асбоб-ускуналари	401	33
Электродвигателлар ва дизель-генераторлар	402	20
Комплекс қурилмалар	403	22
Ички ёнув двигателлари	404	10
Бошқа кучланиш асбоб-ускуналари	407	19
Ишчи асбоб-ускуналар	41-46	
Металл кесувчи асбоб-ускуналар	410	12

Асбоб-ускуналар	Кодлар (шифрлар)	Умуми фойдаланиш муддати (йилларда)
Куймачилик ишлаб чиқариши учун асбоб-ускуналар	411	20
Темирчилик ва пресслаш асбоб-ускуналари	412	20
Абразив металллар ва олмос ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар	413	12
Компрессор асбоб-ускуналари	414	19
Насослар	415	10
Газ тозаловчи ускуналар ва вентиляция машина ва асбоб-ускуналар	416	14
Юк кўтариш-транспорт ва юклаш-тушириш асбоб-ускуналари	417	25
Ер ва кон ишлари учун асбоб-ускуналар	418	15
Гидромеханизация асбоб-ускуналари	419	12
Бетон ва пардозлаш ишлари учун асбоб-ускуналар	420	8
Йўл қурилиши асбоб-ускуналари	421	23
Қозиқ қоқиш ишлари учун асбоб-ускуналар	422	14
Кабель (ўраш) ўтказиш учун асбоб-ускуналар	423	33
Сув ости техник ишлари учун асбоб-ускуналар	424	21
Электрогазосварка ва кесиш учун асбоб-ускуналар	425	15
Майдалаш, саралаш ва бойитиш учун асбоб-ускуналар	426	20
Геология-қидирув асбоб-ускуналари	427	10
Ер ости ва очик тоғ ишлари учун асбоб-ускуналар	428	12
Технологик жараёнлар учун мўлжалланган барча турдаги махсус сифимлар	429	16
Қора металлургия асбоб-ускуналари	430	20
Рангли металлургия асбоб-ускуналари	431	20
Кимё саноати ва минерал ўғитлар саноати асбоб-ускуналари	432	18
Иссиқлик алмашинувчи ускуналар, кимё саноати печи ва бошқа махсус асбоб-ускуналар	433	15
Нефть ва газ қазииш ва бурғалаш учун асбоб-ускуналар	434	18
Нефтни қайта ишлаш саноати асбоб-ускуналари	435	13
Нефткимё саноати асбоб-ускуналари	436	16
Газ саноати асбоб-ускуналари	438	20
Электрон саноати асбоб-ускуналари	440	9
Қурилиш материаллари саноати асбоб-ускуналари	441	17
Ойначилик саноати асбоб-ускуналари	442	16
Кабель саноати асбоб-ускуналари	443	18
Ўрмон саноати асбоб-ускуналари	444	10
Ёғочни қайта ишлаш саноати асбоб-ускуналари	445	11
Целлюлоза-қоғоз саноати асбоб-ускуналари	446	18
Полиграфия саноати асбоб-ускуналари	448	13
Енгил саноат асбоб-ускуналари	449	13
Озиқ-овқат саноати технологик асбоб-ускуналари	450	13
Гўшт ва сут саноати асбоб-ускуналари	451	13
Медицина ва микробиология саноати асбоб-ускуналари	460	16

Изоҳ. Асбоб-ускуналар кодлари (шифрлари) 1990 йилдаги асбоб-ускуналарнинг ягона амортизация нормаларига (УЯАН) мувофиқ келтирилган.

Юридик шахс
штампи

_____ туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекциясига

Солиқ тўловчи _____
(корхона, ташкилот номи)

СТИР

Телефон _____

Тўловчи манзили _____

Ҳисоб-китоб счёти N _____
(банк муассасаси номи, код)

**Ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўлов
МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБИ**
_____ йил солиқ даври учун

МИНГ СЎМ

Кодлар (шифрлар)	Асбоб-ускуна номи (белгиланган рўйхатга киритилган)	Сатр коди	Асбоб- ускуна ишга тушириш санаси	Асбоб-ускунанинг унумли фойдаланиш муддати	Тўлиқ эскирган асбоб- ускунанинг ҳисобот даври охирдаги бошлангич (қайта тиклаш) қиймати (31 декабрь)	Тўлов миқ- дори, % да	Бюджетга тўланадиган тўлов суммаси (6-уст. х 7-уст.)
1	2	3	4	5	6	7	8
	Жами	010					
		0101					
		0102					
		...					

Раҳбар _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Бош бухгалтер _____
(имзо) (Ф.И.О.)

«___» _____ 201__ йил
М.Ў. _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**ХОДИМЛАР СОНИ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ ФОНДИНИНГ ЭНГ КАМ МЕЪЁРЛАРИ
ЖОРИЙ ЭТИЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ
ТўЛОВЛАРНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТўЛАШ ТАРТИБИ Тўғрисидаги
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 23 февралда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 2200

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 513-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги қарор қиладилар:

1. Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2011-5-сон

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
6-сон

Тошкент ш., 2011 йил 2 февраль.

*2011 йил 5 мартдан кучга киради.

**ХОДИМЛАР СОНИ ВА МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ФОНДИНИНГ ЭНГ КАМ МЕЪЁРЛАРИ ЖОРИЙ
ЭТИЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ҲИСОБЛАБ
ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 513-модда) мувофиқ ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. 2011 йилнинг 1 январидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг белгиланган энг кам меъёрларини ҳисобга олинган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби жорий этилади.

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2173, 2010 йил 28 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 527-модда) белгиланган тартибда аниқланади.

Чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотларига Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2095, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 120-модда) билан белгиланган ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби татбиқ этилмайди.

2. Ягона ижтимоий тўловни, фуқароларнинг суғурта бадалларини ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган солиқ тўловчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг белгиланган энг кам меъёрларига риоя қилинмаган тақдирда мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган солиқ тўловчилар тасдиқланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда мазкур Низомда белгиланган тартибда ягона ижтимоий тўловни, фуқароларнинг суғурта бадалларини ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини (кейинги ўринларда тўловлар деб юритилади) кўшимча ҳисоблашлари шарт.

3. Мазкур Низом мақсадларида қуйидаги асосий тўловлардан фойдаланилади:

чакана савдо ташкилотлари – ҳисобот чораги яқунлари бўйича асосий фаолият тури чакана савдо бўлган юридик шахслар;

умумий овқатланиш ташкилотлари – ҳисобот чораги яқунлари бўйича асосий фаолият тури умумий овқатланиш бўлган юридик шахслар;

қурилиш ташкилотлари – ҳисобот чораги яқунлари бўйича асосий фаолият тури қурилиш пудрати шартларида (қурилиш) турар-жой ва фуқаро қурилиши объектларида қурилиш ишларини бажариш бўлган юридик шахслар;

ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди – Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддасида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги ва ягона ижтимоий тўловнинг солиқ солиш объекти бўлган даромадлар, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича фаолият юритувчи жисмоний шахсларга тўғри келадиган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бундан мустасно;

тўловларнинг умумий ставкаси – ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари ставкаларини ва жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган 1 фоизга камайтирмаган ҳолдаги жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг энг кам ставкасини ўз ичига оловчи умумий ставка.

II. ТЎЛОВЛАРНИ ҚЎШИМЧА ҲИСОБЛАШ

4. Тўловларни қўшимча ҳисоблаш учун база бўлиб бутун ташкилот бўйича умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фонди энг кам меъёри билан ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ўртасидаги фарқ ҳисобланади ва қуйидаги формула асосида аниқланади:

$ҚБ = МХТФ_{\text{ЭНГ КАМ}} - МХТФ_{\text{ҲАҚИҚАТ}}$, бу ерда:

ҚБ – тўловларни қўшимча ҳисоблаш амалга ошириладиган база;

МХТФ_{ЭНГ КАМ} – Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳисобот чораги учун аниқланган солиқ тўловчининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри;

МХТФ_{ҲАҚИҚАТ} – ҳисобот чораги учун ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди.

5. Солиқ тўловчининг ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрига тенг ёки ундан ортиқ бўлса тўловлар қўшимча ҳисобланмайди.

6. Ходимлар сонининг энг кам меъёрига риоя қилинмаганда солиқ тўловчининг ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш фонди энг кам меъёридан ортиқ бўлган ҳолда ҳам қўшимча тўловлар ҳисобланмайди.

Масалан, Тошкент шаҳрида жойлашган савдо зали

майдони 60 квадрат метр бўлган минимаркетда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри 4 кишини ташкил қилади.

Бутун ташкилот бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фонди энг кам меъёрини ҳисоблаш учун ходимларнинг умумий сони, директор (экспедитор вазифасини ҳам ўзи бажарувчи) ва бухгалтерни қўшиб ҳисоблаганда 6 кишини ташкил қилади.

Чакана савдо ташкилотлари учун ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўртача разряди 3 ни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг 3-разрядига мувофиқ келувчи тариф коэффициентини 2,998 га тенг.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори 49 735 сўмни ташкил қилади.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ мазкур минимаркет бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри ($M\text{X}\text{T}\Phi_{\min} = K\text{X}\text{C} \times T\text{K} \times \text{И}\text{X}\text{Э}\text{К}\text{М}$) чорак учун ҳисобланганда $2\ 683\ 900$ сўмни ташкил қилади ($(6 \times 2,998 \times 49\ 735) + (6 \times 2,998 \times 49\ 735) + (6 \times 2,998 \times 49\ 735)$).

Амалда ташкилотда 5 киши ишлайди. Бунда ушбу ходимларнинг ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобот чораги учун 3 426 000 сўмни ташкил қилган.

Ташкилотдаги ходимларнинг ҳақиқатдаги сони ходимлар сонининг белгиланган меъёридан кам бўлишига қарамасдан тўловлар қўшимча ҳисобланмайди, чунки ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёридан ортиб кетган.

7. Агар ҳисобот чораги яқунлари бўйича ташкилотнинг асосий фаолият тури чакана савдо, умумий овқатланиш ёки қурилиш бўлмаса, у ҳолда ташкилот ҳисобот чораги учун ягона ижтимоий тўловни Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2095, 2010 йил 13 апрель) белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқаради ва тўлайди.

8. Агар чакана савдо, умумий овқатланиш ёки қурилиш ташкилотлари асосий фаолият тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланса, у ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри бутун ташкилот бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёридан келиб чиқиб, асосий ходимлар, маъмурий, техник, ёрдамчи ходимлар, шунингдек асосий бўлмаган фаолият тури билан банд бўлган ходимлар сонини қўшиб йўли билан Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5 ва 9-иловларида белгиланган ишларнинг ўртача разряди тариф коэффициентини қўллаган ҳолда аниқланади.

Мисол учун, асосий фаолият тури чакана савдо бўлган ташкилот сартарошлик хизматларини кўрсатади. Бутун ташкилот бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёрини ҳисоблашда чакана савдо бўйича асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри – 5 киши, маъмурий ходимлар – 2 киши ва сартарошхонада фаолият юритувчи ходимлар – 3 киши қўшилади.

Шундай қилиб, мазкур ташкилот бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри бутун ташкилот бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёридан (10 кишидан) келиб чиқиб, чакана савдо ташкилотлари учун белгиланган ишларнинг ўртача разряди тариф коэффициенти (2,998) қўлланилган ҳолда аниқланади.

9. Агар чакана савдо ташкилотлари бир нечта турғун савдо шохобчаларига, умумий овқатланиш ташкилотлари эса бир нечта умумий овқатланишни ташкил қилиш жойларига эга бўлса, ходимлар сонининг энг кам меъёри чакана савдо ташкилотлари учун ҳар бир турғун савдо шохобчаси бўйича, умумий овқатланиш ташкилотлари учун умумий овқатланишни ташкил қилиш жойлари бўйича алоҳида аниқланади.

10. Агар қурилиш ташкилоти бир вақтнинг ўзида бир нечта объектда қурилиш ишларини амалга оширса, тўловлар қўшимча ҳисобланадиган базани ҳисоб-китоб қилиш учун ҳисобот даврида амалга оширилган қурилиш ишларининг умумий ҳажми олинади. Бунда фақат ўз кучи билан амалга оширилган ишлар ҳажми ҳисобга олинади (қурилиш субпудрат шартномасига кўра шаҳар-созлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган сметага мувофиқ субпудрат ташкилоти томонидан бажарилган ишлар ҳажми чегирилган ҳолдаги умумий ишлар ҳажми).

11. Ҳисобот чораги учун қўшимча ҳисобланган тўловлар қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K\text{X} = K\text{B} \times \text{УС} / 100, \text{ бу ерда:}$$

KX – қўшимча ҳисобланган тўловлар суммаси;

KB – мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ аниқланган тўловларни қўшимча ҳисоблаш амалга ошириладиган база;

УС – тўловларнинг умумий ставкаси.

12. Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари ҳар йили 1 февралга қадар (2011 йилда – 1 апрелгача), янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 30 кун ичида солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тегишинча мазкур Низомнинг 1а ва 1б-иловларига мувофиқ шаклда Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини ҳисоблаш учун асос бўладиган кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотни (кейинги ўринларда ахборот деб юритилади) тақдим этадилар.

Календарь йил давомида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг белгиланган энг кам меъёрларини ҳисобга олган ҳолда тўловларни ҳисоблаш ва тўлашга ўтилганда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини ҳисоблаш учун асос бўладиган кўрсаткичлар мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловларига мувофиқ асосий фаолият турига боғлиқ ҳолда Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-китоб (кейинги ўринларда маълумотнома-ҳисоб-китоб деб юритилади) бўйича қабул қилинади.

Календарь йил давомида аввал тақдим этилган ахборотнинг ўзгариши кутилганда, чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари аниқлаштирилган кўрсаткичлар қўлланилиши кутилаётган муддатлар кўрсатилган ҳолда аниқлаштирилган ахборотни тақдим этадилар. Бунда ходимлар сони энг кам меъёрлари аниқлашти-



рилган ахборот киритилган ойдан кейинги ойдан бошлаб қўлланилади.

Кўрсаткичларни (столлар сони, савдо зали майдони, ташкилотнинг иш режими, умумий овқатланиш турини) камайтириб кўрсатиш ҳоллари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари жорий йилнинг бошидан бошлаб (ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда эса – Ахборотни ёки Маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этиш санасидан бошлаб) камайтириб кўрсатиш аниқланган санагача меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини, қўшимча ҳисобланган тўловлар суммасини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда, қонунчиликда белгиланган тартибда қўшимча ҳисоблайдилар.

13. Солиқ тўловчилар ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан, тўртинчи чорак якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатларида солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига асосий фаолият турига боғлиқ равишда мазкур Низомнинг 2, 3 ва 4-иловаларига мувофиқ ортиб борувчи якунисиз Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этадилар.

14. Қўшимча ҳисобланган тўловлар суммасини тўлаш Маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этиш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

15. Қўшимча ҳисобланган тўловлар суммаси ягона ҳисобрақамга ўтказилиб, ушбу маблағлар бюджет ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўртасида мазкур Низомнинг 5-илоvasида белгиланган нормативлар бўйича тақсимланади.

16. Қўшимча ҳисобланган тўловлар суммаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 145-моддасига мувофиқ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг солиқ солинадиган фойдасини аниқлашда чегирилади, мазкур Низомнинг 19-бандида назарда тутилган ҳолат бундан мустасно.

17. Тўловларни қўшимча ҳисоблаш учун базани ҳисоб-китоб қилишга ва қўшимча ҳисобланган тўловлар суммасини аниқлашга доир шартли мисоллар мазкур Низомнинг 6-илоvasида келтирилган.

III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

18. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда тўловларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш устидан назоратни амалга оширадилар.

19. Мазкур Низомда назарда тутилган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда тўловларни ҳисоблаб чиқариш тартиби бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ пеня ҳисобланишини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларидан келиб чиқиб тўловларни қўшимча ҳисоблашни амалга оширадилар.

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга 1а-ИЛОВА

Ҳужжат тури /

Ҳужжат тури: 1 – ахборот, 2 – аниқлаштирилган ахборот (каср орқали аниқлаштириш рақами)

_____ йил учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини ҳисоблаш учун асос бўладиган кўрсаткичлар тўғрисидаги АХБОРОТ

(чакана савдо ташкилотлари учун)

_____ га тақдим этилади

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

Солиқ тўловчи ҳақида маълумотлар

- 1. Юридик шахснинг тўлиқ номи _____
- 2. Манзил _____
- 3. СТИР
- 4. Телефон: код рақам
- Тақдим этилган аниқлаштиришлар санадан қўлланилади

Кўрсаткич номи	Самр	Кўрсаткич қиймати
1-сонли стационар савдо залининг эълон қилинган майдони, м ²	010	
Стационар савдо залининг ҳафталик иш режими (ҳафтасига жами соатларда)	020	
2-сонли стационар савдо залининг эълон қилинган майдони, м ²	030	
Стационар савдо залининг ҳафталик иш режими (ҳафтасига жами соатларда)	040	
...	050	

Мазкур ахборотда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу маълумотлар (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
СТИР <input type="text"/>	
Ф.И.О. <input type="text"/>	
Имзо <input type="text"/>	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Бош бухгалтер	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта орқали <input type="checkbox"/> электрон почта орқали
СТИР <input type="text"/>	
Ф.И.О. <input type="text"/>	
Имзо <input type="text"/>	<input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди
Сана <input type="text"/>	Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
	(кк/оо/йй)
	Ф.И.О. <input type="text"/>
	Имзо <input type="text"/>

М.Ў.

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
16-ИЛОВА

Ҳужжат тури /

Ҳужжат тури: 1 – ахборот, 2 – аниқлаштирилган ахборот (каср орқали аниқлаштириш рақами)
_____ йил учун

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини ҳисоблаш учун асос бўладиган кўрсаткичлар тўғрисидаги АХБОРОТ

(умумий овқатланиш ташкилотлари учун)

_____ га тақдим этилади

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

Солиқ тўловчи ҳақида маълумотлар

1. Юридик шахснинг тўлиқ номи _____

2. Манзил _____

3. СТИР

4. Телефон: код рақам

Тақдим этилган аниқлаштиришлар санадан қўлланилади

Кўрсаткич номи	Сатр	Кўрсаткич қиймати
УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИ БЎЙИЧА		
Номи кўрсатилган ҳолда умумий овқатланиш тури	010	« _____ »
4 та ўринга мўлжалланган хизмат кўрсатадиган столларнинг эълон қилинган сони, дона	020	
Ҳафталик иш режими (ҳафтасига жами соатларда)	030	
Номи кўрсатилган ҳолда умумий овқатланиш тури	040	« _____ »
...	050	

Эслатма. Агар умумий овқатланиш ташкилоти 4 та ўридан ортиқ ўтириш жойига мўлжалланган столларга эга бўлса, «020» сатр қиймати барча ўринлар сонини қўшиш ва олинган суммани 4 га бўлиш йўли билан ҳисоблаб тўлдирилади. Масалан, ташкилот 10 ўринга мўлжалланган 6 та столга эга бўлса, «020» сатрда 15 (6x10/4) кўрсатилади.

Мазкур ахборотда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу маълумотлар (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
СТИР Ф.И.О. Имзо	
Бош бухгалтер	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда <input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта орқали <input type="checkbox"/> электрон почта орқали <input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди
СТИР Ф.И.О. Имзо	
Сана	Тақдим этилган сана <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> (кк/оо/йй)
	Ф.И.О. _____ Имзо _____

М.Ў.

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

_____ чорак учун
**ХОДИМЛАР СОНИ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ФОНДИ ТЎҒРИСИДАГИ
 МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБ**
 (асосий фаолият тури – чакана савдо)

_____ га тақдим этилади

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

Солиқ тўловчи ҳақида маълумотлар

- Юридик шахснинг тўлиқ номи _____
- Манзил _____
- СТИР
- Телефон: код рақам

Кўрсаткич номи	Сатр	Кўрсаткич			
		1 ой	2 ой	3 ой	Чорак
1	2	3	4	5	6
Иш режими ҳисобга олинган ҳолда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри, жами (01011-сатр + 01021-сатр + 010...-сатр)	010				X
1-сонли стационар савдо залининг майдони, м ²	0101				X

Кўрсаткич номи	Сатр	Кўрсаткич			
		1 ой	2 ой	3 ой	Чорак
1	2	3	4	5	6
Иш режими ҳисобга олинган ҳолда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри	01011				X
2-сонли стационар савдо залининг майдони, м ²	0102				X
Иш режими ҳисобга олинган ҳолда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри	01021				X
...	010..				X
...	010..				X
Маъмурий ва техник ходимлар ҳамда бошқа фаолият турлари бўйича фаолият олиб борувчи ходимлар сони, жами	020				X
Ташкилот бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёри, жами (010-сатр + 020-сатр)	030				
Асосий фаолият тури бўйича ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг ўртача разряди тариф коэффициентлари	040				X
Энг кам иш ҳақи миқдори, сўм	050				X
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри, сўм (030-сатр x 040-сатр x 050-сатр)	060				
Ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, сўм	070	X	X	X	
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрининг ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ортиб кетиши, сўм (050-сатр - 060-сатр)	080*	X	X	X	
Умумий ставка, %	090	X	X	X	
Тўланиши лозим, сўм (080-сатр x 090-сатр / 100)	100	X	X	X	

*Ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёридан ортиб кетганда 6-устуннинг «080» сатрида «0» қиймати кўрсатилади.

Кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу маълумотлар (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
СТИР <input type="text"/>	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Ф.И.О. _____	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта орқали <input type="checkbox"/> электрон почта орқали
Имзо _____	<input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди
Бош бухгалтер	Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
СТИР <input type="text"/>	(кк/оо/йй)
Ф.И.О. _____	Ф.И.О. _____
Имзо _____	Имзо _____
Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	
(кк/оо/йй)	

М.Ў.

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

_____ чорак учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги
МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБ
(асосий фаолият тури - умумий овқатланиш)

_____ га тақдим этилади

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

Солиқ тўловчи ҳақида маълумотлар

- Юридик шахснинг тўлиқ номи _____
- Манзил _____
- СТИР
- Телефон: код рақам

Кўрсаткич номи	Сатр	Кўрсаткич			
		1 ой	2 ой	3 ой	Чорак
1	2	3	4	5	6
Иш режими ҳисобга олинган ҳолда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри, жами (01011-сатр + 01021-сатр + 010...-сатр)	010				X
1-сонли умумий овқатланишни ташкил қилиш жойида столлар сони, дона	0101				X
Иш режими ҳисобга олинган ҳолда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри	01011				X
2-сонли умумий овқатланишни ташкил қилиш жойида столлар сони, дона	0102				X
Иш режими ҳисобга олинган ҳолда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри	01021				X
...	010..				X
...	010..				X
Маъмурий ва техник ходимлар ҳамда бошқа фаолият турлари бўйича фаолият олиб борувчи ходимлар сони, жами	020				X
Ташкилот бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёрлари, жами (010-сатр + 020-сатр)	030				
Ягона тариф сеткаси бўйича ишлар ўртача разряди тариф коэффициенти	040				X
Энг кам иш ҳақи миқдори, сўм	050				X
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри, сўм (030-сатр x 040-сатр x 050-сатр)	060				
Ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, сўм	070	X	X	X	
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрининг ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ортиб кетиши, сўм (050-сатр - 060-сатр)	080*	X	X	X	
Умумий ставка, %	090	X	X	X	
Тўланиши лозим, сўм (080-сатр x 090-сатр / 100)	100	X	X	X	

*Ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёридан ортиб кетганда б-устуннинг «080» сатрида «0» қиймати кўрсатилади.

Эслатма. Агар юридик шахс бир нечта турдаги умумий овқатланиш жойларига (ресторан, кафе ва ҳ.к.) эга бўлса, у ҳолда ҳар бир умумий овқатланиш тури бўйича алоҳида Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-китоб тақдим этилади. Бунда маъмурий ходимлар ва бошқа фаолият турлари бўйича фаолият олиб борувчи ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг энг катта разрядидан, техник ходимлар учун – умумий овқатланишнинг мазкур турлари учун белгиланган ишларнинг энг кам разрядидан келиб чиқилган ҳолда ҳисобланади.

Кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу маълумотлар (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
СТИР	
Ф.И.О.	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Имзо	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта орқали <input type="checkbox"/> электрон почта орқали
Бош бухгалтер	
СТИР	<input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди
Ф.И.О.	
Имзо	Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кк/оо/йй)
Сана	Ф.И.О. <input type="text"/>
	Имзо <input type="text"/>

М.Ў.

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

_____ чорак учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги
МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБ
(асосий фаолият тури – қурилиш)

_____ га тақдим этилади

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

Солиқ тўловчи ҳақида маълумотлар

1. Юридик шахснинг тўлиқ номи _____
2. Манзил _____
3. СТИР
4. Телефон: код рақам

Кўрсаткич номи	Сатр	Кўрсаткич
Асосий ходимлар (қурувчи-ишчилар) сонининг энг кам меъёри	010	
Маъмурий ва техник ходимлар ҳамда бошқа фаолият турлари бўйича фаолият олиб боровчи ходимлар сони, жами	020	
Ташкилот бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёри, жами (010-сатр + 020-сатр)	030	
Асосий фаолият тури бўйича ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг ўртача разряди тариф коэффициентлари	040	
Ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг ўртача разряди тариф коэффициентлари	050	
Тармоқ коэффициентлари	060	
Энг кам иш ҳақи миқдори (чоракнинг биринчи, иккинчи ва учинчи ойлари учун энг кам иш ҳақи миқдорларининг йиғиндиси), сўм	070	
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри, сўм (030-сатр x 050-сатр x 060-сатр x 070-сатр)	080	
Ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, сўм	090	
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрининг ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ортиб кетиши, сўм (080-сатр - 090-сатр)	100	
Тўловларнинг умумий ставкаси, %	110	
Тўланиши лозим, сўм (100-сатр x 110-сатр / 100)	120	

*Ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёридан ортиб кетганда «100» сатрда «0» қиймати кўрсатилади.

Кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу маълумотлар (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
СТИР <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/>	
Ф.И.О. _____	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Имзо _____	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта орқали <input type="checkbox"/> электрон почта орқали
Бош бухгалтер	<input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди
СТИР <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/>	
Ф.И.О. _____	Тақдим этилган сана <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/>
Имзо _____	(кк/оо/йй)
Сана <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/>	Ф.И.О. _____
(кк/оо/йй)	Имзо _____

М.Ў.

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Қўшимча ҳисобланган тўловлар суммасини БЮДЖЕТ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАШ НОРМАТИВЛАРИ

N	Кўрсаткич номи	Умумий тушумларга нисбатан фоизларда
1.	Давлат бюджети	25,3
2.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	74,7

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Тўловларни қўшимча ҳисоблаш учун базани ҳисоб-китоб қилишга ВА Қўшимча ҳисобланган тўловлар суммасини аниқлашга доир шартли мисоллар

1-мисол. Минимаркет бўйича қуйидаги маълумотлар сий ходимлар сонининг энг кам меъёрига кўпайтирувчи мавжуд: савдо залининг майдони – 120 кв.м.; иш вақти режими – ҳафтасига 84 соат; маъмурий ходимлар сони – 1. Шундай қилиб, мазкур минимаркет бўйича асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри = 7 x 1,17 = 8 ходимни ташкил этади. Минимаркетда иш вақти режими (ҳафтасига 84 соат) ҳафтасига 72 соатдан ортиб кетганини ҳисобга олиб, асо- Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрини ҳисоблаш учун минимаркет бўйича барча ходимларнинг умумий

сони, 1 та директорни (экспедитор ва бухгалтер вазифаларини ҳам ўзи бажарувчи) ҳам кўшиб ҳисоблаганда = 8 + 1 = 9 ходимни ташкил қилади.

Минимаркет учун ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг ўртача разряди 3 ни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг 3-разрядига мувофиқ келувчи ҳисоб учун олинандиган тариф коэффициенти 2,998 га тенг.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори (ИХЭКМ) = 49 735 сўмни ташкил қилади.

Белгиланган формулага мувофиқ ($M\text{X}\Phi_{\min} = X\text{C} \times T_k \times \text{ИХЭКМ}$) минимаркет бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри = $9 \times 2,998 \times 49\,735 =$ ойига 1 341 950 сўмни ташкил қилади. Чорак учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри суммаси 4 025 850 сўмни ташкил қилади.

Чорак учун ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди 2 818 095 сўмни ташкил қилади.

Тўловларни кўшимча ҳисоблаш учун базани куйидаги формула бўйича аниқлаймиз:

$$КБ = 4\,025\,850 - 2\,818\,095 = 1\,207\,755 \text{ сўм.}$$

Кўшимча ҳисобланган тўловлар суммаси куйидагига тенг:

$КХ = 1\,207\,755 \times 39,5\% = 477\,063$ сўм (2011 йил ҳолатига: ягона ижтимоий тўлов - 25%, фуқароларнинг сугурта бадаллари - 4,5% ва жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғининг энг кам ставкаси - 10%).

2-мисол. Кафе бўйича куйидаги маълумотлар мавжуд: хизмат кўрсатиладиган столлар сони - 15; иш вақти режими - ҳафтасига 84 соат; маъмурий ходимлар сони - 1; техник ходимлар сони - 1.

Хизмат кўрсатиладиган столлар сони 15 та бўлган кафе бўйича асосий ходимлар сонининг куйидаги энг кам меъёрлари белгиланган:

1 та столга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган официантлар сони	Ошпаз	Тарқатишда хизмат қиладиган ходимлар	Ошхона ходими
0,3	3	-	2

Мазкур кафенинг иш вақти режими ҳафтасига 84 соатдан ортиб кетмаганини ҳисобга олиб, ходимлар сонининг энг кам меъёрига кўпайтирувчи коэффициент қўлланилмайди.

Шундай қилиб, мазкур кафе бўйича асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри = $0,3 \times 15 + 3 + 2 = 10$ ходимни ташкил қилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрини ҳисоблаш учун кафе бўйича барча ходимларнинг умумий сони, жумладан 10 та асосий ходим, 1 та директор ва 1 та фаррошни ҳам кўшиб ҳисоблаганда = $10 + 1 + 1 = 12$ ходимни ташкил қилади.

Кафе учун ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг ўртача разряди 4 ни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси

бўйича ишларнинг 4-разрядига мувофиқ келувчи ҳисоб учун олинандиган тариф коэффициенти 3,297 га тенг.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори (ИХЭКМ) = 49 735 сўмни ташкил қилади.

Белгиланган формулага мувофиқ ($M\text{X}\Phi_{\min} = X\text{C} \times T_k \times \text{ИХЭКМ}$) мазкур кафе бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри = $12 \times 3,297 \times 49\,735 =$ ойига 1 967 715 сўмни ташкил қилади. Чорак учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри суммаси 5 903 145 сўмни ташкил қилади.

Чорак учун ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди 4 722 516 сўмни ташкил қилади.

Тўловларни кўшимча ҳисоблаш учун базани куйидаги формула бўйича аниқлаймиз:

$$КБ = 5\,903\,145 - 4\,722\,516 = 1\,180\,629 \text{ сўм.}$$

Кўшимча ҳисобланган тўловлар суммаси куйидагига тенг:

$$КХ = 1\,180\,629 \times 39,5\% = 466\,348 \text{ сўм.}$$

3-мисол. Бир қаватли уч хонали турар жой биносини кўшимча иморатлар билан бирга намунавий қуриш:

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган сметага мувофиқ мазкур турар жойнинг қурилиши учун қурувчи ишчиларнинг меҳнат сарфи 4 799,6 киши/соатни ташкил қилади;

қурилишнинг меъерий муддати - 3 ой;

олти кунлик иш ҳафтасида бир ходимга ҳисобланган ўртача ойлик иш вақти фонди - 163,1 соатни ташкил қилади.

Белгиланган формулага мувофиқ ($X\text{C}_{\text{норм}} = \text{СИК} / \text{БМ} / \text{ИВФ}$) қурувчи ишчиларнинг ойлик ўртача сонининг энг кам меъёри ($X\text{C}_{\text{норм}}$) = $4\,799,6 / 3 / 163,1 = 9,8$ ходимни ташкил қилади.

Қурилиш ишларининг ўртача разряди тариф коэффициенти ягона тариф сеткаси бўйича ишларининг 4-разряди тариф коэффициентига тўғри келади. Ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг 4-разрядига мувофиқ келувчи тариф коэффициенти 3,297 га тенг.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори (ИХЭКМ) = 49 735 сўмни ташкил қилади.

Белгиланган формулага мувофиқ ($M\text{X}\Phi_{\min} = X\text{C}_{\text{норм}} \times T_k \times K_r \times \text{ИХЭКМ}$) қурувчи ишчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри ($M\text{X}\Phi_{\min}$) = $9,8 \times 3,297 \times 1,15 \times 49\,735 = 1\,848\,013$ сўмни ташкил қилади.

Шундай қилиб, қурилиш ишларини амалга ошириш меъерий муддатини ҳисобга олган ҳолда (3 ой) мазкур турар жойни қуришда қурувчи ишчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри чорак учун = $1\,848\,013 \times 3 = 5\,544\,039$ сўмни ташкил қилади.

Чорак учун ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди 4 712 433 сўмни ташкил қилади.

Тўловларни кўшимча ҳисоблаш учун базани куйидаги формула бўйича аниқлаймиз:

$$КБ = 5\,544\,039 - 4\,712\,433 = 831\,606 \text{ сўм.}$$

Кўшимча ҳисобланган тўловлар суммаси куйидагига тенг:

$$КХ = 831\,606 \times 39,5\% = 328\,484 \text{ сўм.}$$

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**«ЯГОНА ИЖТИМОИЙ ТЎЛОВНИНГ БАЗАВИЙ МИҚДОРИ КИРИТИЛИШИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЯГОНА ИЖТИМОИЙ ТЎЛОВНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ
ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ
ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ
ТЎҒРИСИДА***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 2095-1*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборот-номаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси ва Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 513-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қиладилар:

*2011 йил 3 мартдан кучга киради.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 22 мартдаги 22, 2010-13-сонли «Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга (рўйхат рақами 2095, 2010 йил 13 ап-

рель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 120-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
10-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2011-7-сон

Тошкент ш., 2011 йил 14 февраль.

ЎЗР МВ ва ДСҚнинг 2011 йил 14 февралдаги 10, 2011-7-сон қарорига
ИЛОВА

«ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВНИНГ БАЗАВИЙ МИҚДОРИ КИРИТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Номида ва 1-бандида «базавий» деган сўзлар «энг кам» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) номида ва бутун матн бўйича «базавий» деган сўзлар «энг кам» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддимаси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) ва 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 513-модда) қарорларига мувофиқ ягона ижтимоий тўловнинг (кейинги ўринларда ЯИТ деб аталади) энг кам миқдори киритилиши муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ЯИТни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом куйидагиларга татбиқ этилмайди:

қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона ижтимоий тўловнинг

пасайтирилган ставкаси белгиланган юридик шахсларга; нотижорат ташкилотларига, шу жумладан, бюджет ташкилотларига;

ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари белгиланган чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳасидаги ташкилотларига».

в) 4-бандда «БРяит» деган белги «МРяит» деган белги билан алмаштирилсин;

г) 6-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Агар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ суммаси ЯИТнинг энг кам миқдоридан кам бўлса, у ҳолда ягона солиқ тўлови ЯИТнинг энг кам миқдорининг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ суммасидан ортган қисмига қўшимча ҳисобланади»;

д) 9-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалари бўйича солиқ ҳисоботи шаклида, тақдим этиладиган Маълумотнома-ҳисоб-китобдан келиб чиқиб, ЯИТ ҳисоб-китоби шаклига куйидаги сатрлар киритилади:

«051» – ҳисобот даври учун ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси. Ушбу сатр фақат 3-устуни бўйича тўлдирилади;

«052» – ҳисобот даврида тўланиши лозим. «052»-сатрда ЯИТ ҳисоб-китобининг «050» ва «051»-сатрлари йиғиндиси кўрсатилади»;

е) 1 ва 2-иловалари мазкур ўзгартиришларга тегишинча 1 ва 2-иловаларига мувофиқ баён этилсин.

Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

МАЪЛУМОТНОМА-ЯИТНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ ҲИСОБ-КИТОБИ (ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР УЧУН ЯИТ ҲИСОБ-КИТОБИГА ИЛОВА ҚИЛИНАДИ, МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРДАН ТАШҚАРИ)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинadиган ходимлар сони	010	
Ҳисобот ойида барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари	020	
Ҳисобот ойида иш кунлари сони	030	
Ҳисобот ойида бир ходим учун ЯИТ нормативи	040	
Ҳисобот ойида ЯИТнинг энг кам миқдори (020-сатр / 030-сатр x 040-сатр)	050	

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
Ҳисобот ойида ЯИТнинг ҳисобланган суммаси (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобнинг 050-сатри – аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобнинг 050-сатри)	060	
Ҳисобот ойида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (050-сатр – 060-сатр)	070*	
Аввалги ҳисобот даври охирида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (аввалги ҳисобот даври учун Маълумотнома-Ҳисоб-китобнинг 090-сатри)	080	
Ҳисобот даври охирида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (070-сатр + 080-сатр)	090	

*Агар устуннинг «060»-сатри қиймати 3-устуннинг «050»-сатри қийматига тенг ёки ундан катта бўлса, 3-устуннинг «070»-сатрида «0» қиймати кўрсатилади.

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў.»

Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**МАЪЛУМОТНОМА-ЯИТнинг ЭНГ КАМ МИҚДОРИ
ҲИСОБ-КИТОБИ (МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН
ЯИТ ҲИСОБ-КИТОБИГА ИЛОВА ҚИЛИНАДИ)**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинган ходимлар сони:	010	X
чоракнинг биринчи ойи учун	0101	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0102	
чоракнинг учинчи ойи учун	0103	
Ҳисобот ойида барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари:	020	X
чоракнинг биринчи ойи учун	0201	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0202	
чоракнинг учинчи ойи учун	0203	
Ҳисобот даврида иш кунлари сони:	030	X
чоракнинг биринчи ойи учун	0301	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0302	
чоракнинг учинчи ойи учун	0303	
ЯИТ нормативи:	040	X
чоракнинг биринчи ойи учун	0401	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0402	
чоракнинг учинчи ойи учун	0403	
ЯИТнинг энг кам миқдори: (0501-сатр + 0502-сатр + 0503-сатр)	050	
чоракнинг биринчи ойи учун (0201-сатр / 0301-сатр x 0401-сатр)	0501	
чоракнинг иккинчи ойи учун (0202-сатр / 0302-сатр x 0402-сатр)	0502	
чоракнинг учинчи ойи учун (0203-сатр / 0303-сатр x 0403-сатр)	0503	
Ҳисобот даврида ЯИТнинг ҳисобланган суммаси, шу жумладан:	060	
чоракнинг биринчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0501-сатри – аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 050-сатри)	0601	
чоракнинг иккинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0502-сатри – ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0501-сатри)	0602	
чоракнинг учинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0503-сатри – ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0502-сатри)	06031	
ҳисобот даврида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (0701-сатр + 0702-сатр + 0703-сатр)	070	
чоракнинг биринчи ойи учун (0501-сатр – 0601-сатр)	0701*	
чоракнинг иккинчи ойи учун (0502-сатр – 0602-сатр)	0702*	
чоракнинг учинчи ойи учун (0503-сатр – 0603-сатр)	0703*	
Аввалги ҳисобот даври охирида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (аввалги Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг 090-сатри)	080	
Ҳисобот даври охирида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси, шу жумладан (070-сатр + 080-сатр)	090	
I ой охирида (0701-сатр + 080-сатр)	0901	
II ой охирида (0702-сатр + 0901-сатр)	0902	
III ой охирида (0703-сатр + 0902-сатр)	0903	

*Агар 3-устуннинг «0601», «0602» ва «0603»-сатрлари қиймати 3-устуннинг тегишинча «0501», «0502» ва «0503»-сатрлари қийматига тенг ёки катта бўлса, 3-устуннинг «0701», «0702» ва «0703»-сатрларида «0» қиймати кўрсатилади.

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў.»

ПЕНСИЯ АРАФАСИДАГИ ИШ ҲАҚИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ

4-бетда ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР АСОСИДА 2010 ЙИЛ 1 АВГУСТДА ПЕНСИЯ ҲИСОБ-КИТОБИ ВА 2010 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН ЭКИХ ОШИРИЛИШИ

МУНОСАБАТИ БИЛАН УНИНГ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБИ:

	2010 йил 1 августда	2010 йил 1 декабрда (сўм)
8 ЭКИХ	361 720 (45 215 x 8)	397 880 (49 735 x 8)
Ўртача ойлик даромад	95 226,6 (5 713 600 / 60)	99 512 (5 970 720,5 / 60)
Пенсиянинг базавий миқдори	52 374,63 (95 226,6 x 55%)	54 731,6 (99 512 x 55%)
Стаж учун қўшимча ҳақ	18 093,054 [(95 226,6 x 1%) x 19]	18 907,28 [(99 512 x 1%) x 19]
Пенсияга устамалар	0	0
Жами пенсия миқдори	70 467,684 (52 374,63 + 18 093,054)	73 638,88 (54 731,6 + 18 907,28)
Пенсиянинг энг кам миқдори	88 845	97 285

Белгиланган пенсия белгиланган энг кам миқдордан ошмаслиги боис энг кам пенсия белгиланади. ЭКИХ ошганида ёшга доир пенсиянинг ҳам энг кам миқдори оширилади. Охири мартга у 88 845 сўмдан 97 285 сўмга, яъни **9,4%га** ошди.

ПЕНСИЯ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЎРТАЧА ОЙЛИК ДАРОМАДДА (8 ЭКИХДАН КАМ) УНИ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШГА МИСОЛ

Пенсионернинг даромади:

(сўм)

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Январь	80 000	80 000	90 000	90 000	100 000
Февраль	80 000	80 000	90 000	90 000	120 000
Март	80 000	80 000	90 000	90 000	120 000
Апрель	80 000	80 000	90 000	100 000	120 000
Май	80 000	90 000	90 000	100 000	120 000
Июнь	80 000	90 000	90 000	100 000	120 000
Июль	80 000	90 000	90 000	100 000	120 000
Август	80 000	90 000	90 000	100 000	120 000
Сентябрь	80 000	90 000	90 000	100 000	120 000
Октябрь	80 000	90 000	90 000	100 000	120 000
Ноябрь	80 000	90 000	90 000	100 000	120 000
Декабрь	80 000	90 000	90 000	100 000	120 000

Белгиланган коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:

Давр	Даромад (сўм)	Кoeff.¹	2010 йил 1 августга замонавийлаштирилган даромад (сўм)	Кoeff.¹	2010 йил 1 декабрда замонавийлаштирилган даромад (сўм)
2005 йил 1 январдан апрелгача	320 000	7,09	2 268 800	7,4090	2 370 880
2005 йил 1 майдан сентябргача	400 000	5,9	2 360 000	6,1655	2 466 200
2005 йил 1 октябрдан 2006 йил июнгача	740 000	4,92	3 640 800	5,1414	3 804 636
2006 йил 1 июлдан октябргача	360 000	4,1	1 476 000	4,2845	1 542 420
2006 йил 1 ноябрдан 2007 йил июлгача	810 000	3,42	2 770 200	3,574	2 894 940
2007 йил 1 августдан октябргача	270 000	2,73	737 100	2,8528	770 256
2007 йил ноябрь	90 000	2,48	223 200	2,5916	233 244
2007 йил 1 декабрдан 2008 йил мартгача	360 000	2,28	820 800	2,3826	857 736
2008 йил 1 апрелдан августгача	500 000	2,02	1 010 000	2,111	1 055 500
2008 йил 1 сентябрдан октябргача	200 000	1,68	336 000	1,7556	351 120
2008 йил ноябрь	100 000	1,6	160 000	1,672	167 200
2008 йил 1 декабрдан 2009 йил июлгача	920 000	1,51	1 389 200	1,578	1 451 760
2009 йил 1 августдан ноябргача	480 000	1,21	580 800	1,2644	606 912
2009 йил декабрь	120 000	1,14	136 800	1,1913	142 956
Жами:			17 909 700		18 715 760

ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР АСОСИДА 2010 ЙИЛ 1 АВГУСТДА ПЕНСИЯ ҲИСОБ-КИТОБИ ВА 2010 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН ЭКИХ ОШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УНИНГ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБИ:

(сўм)

	2010 йил 1 августда	2010 йил 1 декабрда
8 ЭКИХ	361 720 (45 215 x 8)	397 880 (49 735 x 8)
Ўртача ойлик даромад	298 495 (17 909 700 / 60)	311 929,3 (18 715 760 / 60)
Пенсиянинг базавий миқдори	164 172 (298 495 x 55%)	171 561 (311 929,3 x 55%)
Стаж учун қўшимча ҳақ	56 714 [(298 495 x 1%) x 19]	59 266 [(311 929,3 x 1%) x 19]
Пенсияга устамалар	0	0
Жами пенсия миқдори	220 886	230 827

Кўрамазки, пенсия **4,5%га** кўпайган.

ПЕНСИЯ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЎРТАЧА ОЙЛИК ДАРОМАДДА (8 ЭКИХДАН КЎП) УНИ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШГА МИСОЛ

Пенсионернинг даромади:

(сўм)

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Январь	1 000 000	200 000	250 000	250 000	350 000
Февраль	0	200 000	250 000	300 000	350 000
Март	0	200 000	250 000	300 000	350 000
Апрель	0	200 000	250 000	300 000	350 000
Май	0	200 000	250 000	300 000	350 000
Июнь	0	200 000	250 000	330 000	350 000
Июль	0	200 000	250 000	330 000	350 000
Август	0	200 000	250 000	330 000	350 000
Сентябрь	0	200 000	250 000	330 000	350 000
Октябрь	0	200 000	250 000	330 000	350 000
Ноябрь	500 000	200 000	250 000	330 000	350 000
Декабрь	-	250 000	250 000	330 000	350 000

Пенсияларнинг миқдорларини бараварлаштириш учун йиллар бўйича табақалаштирилган тузатув коэффициентлари белгиланади. Даромадни белгиланган коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қиламиз:


Давр	Даромад (сўм)	Кoeff.¹	2010 йил 1 августга замонавийлаштирилган даромад (сўм)	Кoeff.¹	2010 йил 1 декабрда замонавийлаштирилган даромад (сўм)
2005 йил 1 январдан апрелгача	1 000 000	7,09	7 090 000	7,409	7 409 000
2005 йил 1 майдан сентябргача	0	5,9	0	6,1655	0
2005 йил 1 октябрдан 2006 йил июнгача	1 700 000	4,92	8 364 000	5,1414	8 740 380
2006 йил 1 июлдан октябргача	800 000	4,1	3 280 000	4,2845	3 427 600
2006 йил 1 ноябрдан 2007 йил июлгача	2 200 000	3,42	7 524 000	3,574	7 862 800
2007 йил 1 августдан октябргача	750 000	2,73	2 047 500	2,8528	2 139 600
2007 йил ноябрь	250 000	2,48	620 000	2,5916	647 900
2007 йил 1 декабрдан 2008 йил мартгача	1 100 000	2,28	2 508 000	2,3826	2 620 860
2008 йил 1 апрелдан августгача	1 590 000	2,02	3 211 800	2,111	3 356 490
2008 йил 1 сентябрдан октябргача	660 000	1,68	1 108 800	1,7556	1 158 696
2008 йил ноябрь	330 000	1,6	528 000	1,672	551 760
2008 йил 1 декабрдан 2009 йил июлгача	2 780 000	1,51	4 197 800	1,578	4 386 840
2009 йил 1 августдан ноябргача	1 400 000	1,21	1 694 000	1,2644	1 770 160
2009 йил декабрь	350 000	1,14	399 000	1,1913	416 955
Жами:			42 572 900	Жами:	44 489 041

ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР АСОСИДА 2010 ЙИЛ 1 АВГУСТДА ПЕНСИЯ ҲИСОБ-КИТОБИ ВА 2010 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН ЭКИХ ОШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УНИНГ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБИ:

(сўм)

	2010 йил 1 августда	2010 йил 1 декабрда
8 ЭКИХ	361 720 (45 215 x 8)	397 880 (49 735 x 8)
Ўртача ойлик даромад	709 548 (42 572 900 / 60)	741 484 (44 489 041 / 60)
Пенсиянинг базавий миқдори	198 946 (361 720 x 55%)	218 834 (397 880 x 55%)
Стаж учун, масалан, талаб қилинадиган стаждан ташқари 19 йил учун қўшимча ҳақ	68 726,8 [(361 720 x 1%) x 19]	75 597,2 [(397 880 x 1%) x 19]
Пенсияга устамалар	0	0
Жами пенсия миқдори	267 672,8 (198 946 + 68 726,8)	294 431,2 (218 834 + 75 597,2)

Кўрамазки, пенсия 267 672,8 сўмдан 294 431,2 сўмга (26 758,4 сўмга), яъни тахминан **10%га** ошган.



Яқунларни чиқарамиз. Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан пенсиялар қайта ҳисоб-китоб қилинганда пенсиялар бир хилда олмаган, чунки ҳар бир пенсионерда ўртача ойлик иш ҳақи, ҳамда танланган 5 йиллик муддат турличадир. Исталган киши тузатув коэффициентларини қўллаган ҳолда пенсия ишидаги маълумотлар асосида пенсиясини ўзи ҳисоблаб чиқариши мумкин. Ушбу коэффициентлар берилган ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Солиқ ва божхона хабарлари» газетасида чоп этилади ва www.lex.uz ҳамда www.norma.uz сайтларида жойлаштирилади.

УЛУШНИНГ ҲУҚУҚИ ТАБИАТИНИ АНИКЛАБ ОЛИШ

Биринчи саволга жавоб бериш учун устав капиталдаги улуш тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати аниқлаб олиш лозим. Фуқаролик кодекси (бундан кейин – ФК) ҳам, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон, бундан кейин – МЧЖ тўғрисидаги Қонун) ҳам уни очиқ бермайди. Жамият муассислари устав капиталини шакллантира бориб, таъсис этилаётган юридик шахсга мол-мулкка эгалик ҳуқуқини берадилар, бунинг эвазига эса унга нисбатан бошқариш ва фойданинг бир қисмини олишдек мажбурий ҳуқуқларга эга бўладилар.

Жамият иштирокчиси ҳуқуқларининг таҳлили МЧЖ устав капиталдаги улуш мулкнинг ҳуқуқларининг жами эканлиги хусусида ҳулоса чиқариш имконини беради. Фуқаролик ҳуқуқи субъектига тегишли бўлган ашёлар, мулкнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларнинг жами мол-мулкни ташкил қилади. Бинобарин, устав капиталдаги улуш эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига кирилади, шу боис ҳам уни тасарруф этишда ОК 23-моддасининг қоидалари қўлланиши керак.

Шу муносабат билан оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амал қилиш доираларини белгилаб олиш керак. ОКнинг 5-моддасига кўра оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фақат оила аъзолари ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларнигина тартибга солади. Шу билан бирга юридик шахсларда иштирок этганда оилавий муносабатлар эмас, балки корпоратив муносабатлар юзага келади. Улар фақат юридик шахс билан унинг муайян иштирокчилари ўртасидагина юзага келади ва шу маънода мулкнинг муносабатларнинг бошқа субъектлари учун «ёпиқ».

Айтилганлардан шундай ҳулоса чиқариш мумкин: ОКнинг 23-моддаси МЧЖ иштирокчисига жамият ва унинг тадбиркорлик фаолиятини бошқариш масалаларини ҳал қилишда берадиган ҳуқуқларга эмас, балки ҳўжалик жамиятларининг устав капиталига киритилган улушларни тасарруф этишга татбиқ этилади. Бинобарин, эр ва хотиннинг бири МЧЖ улушларини тасарруф этишга доир битимни амалга оширганда турмуш ўртоғининг розилиги билан ҳаракат қилипти деб тахмин қилинади. Акс ҳолда суд уни турмуш ўртоғининг розилиги мавжуд эмаслиги сабабли ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Бунинг учун эр ёки хотин бундай қилишни талаб қилиши ва унинг бундай қилишга рози эмаслиги битим тузган тарафга олдиндан маълумлигини исботлаши лозим.

МИҚДОР ВА ҚИЙМАТ

Умумий мол-мулк бўлинганда ушбу улушнинг миқдори қандай белгиланиши керак?

Амалдаги фуқаролик қонунчилиги иштирокчининг устав капиталдаги улуши қийматининг икки тури: номинал ва ҳақиқий қийматдан фойдаланади. Номинал қиймат унинг дастлабки баҳоси билан белгиланади. Ҳақиқий қиймат жамиятнинг соф активлари қийматининг унинг улуши миқдорида мутаносиб бўлган қисмига мувофиқ келади (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 14-моддасининг тўртинчи қисми).

Агар иштирокчи улушининг номинал қиймати жамиятнинг таъсис ҳужжатларида муайян сумма кўринишида мустаҳкамланган унинг устав капитали миқдори билан белгиланса, ҳақиқий қиймат янада динамик миқдор ҳисобланади ва МЧЖ молия-ҳўжалик фаолиятининг натижаларига боғлиқ бўлади. Унинг миқдори жамиятдан чиқиш тўғрисида ариза берил-

нинг 22-моддасини қўллаш мақсадга мувофиқдир, унга кўра, агар жамият уставада унинг иштирокчиси улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсларга бериш таққиланган, бошқа иштирокчилар эса уни олишдан бош тортаётган бўлсалар, МЧЖ жамият иштирокчисининг талабига кўра унга тегишли бўлган улушни (улушининг бир қисмини) харид қилиши ва унга

тишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. МЧЖ устав капиталдаги улуш ҳам киритилган умумий мол-мулк бўлинганда жамият иштирокчиси бўлмаган эр (ёки хотин) турмуш ўртоғидан мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги келишув, никоҳ шартномаси ёки суднинг ҳал қилув қароридан келиб чиқиб белгиланган улуш миқдорида, унинг номинал эмас, бал-

ганлиги боис, фикримизча, оиланинг иккинчи аъзоси иштирок этиш ёки компенсацияни олиш ҳуқуқига эгадир. Улушнинг қиймати унинг мулкдорига бериладиган ҳуқуқлар билан белгиланади. Бинобарин, улушлар берадиган барча мулкнинг ва номулкнинг ҳуқуқлари (шу жумладан фаолиятни бошқариш ҳуқуқи, фойданинг бир қисмига бўлган ҳуқуқ) ҳам эр ва хотиннинг иккаласига тегишлидир. МЧЖнинг амалдаги иштирокчиси бўлган эр (ёки хотин) мазкур ҳолда иккаласи номидан уларнинг умумий мулкига доир ваколатларни амалга оширади. Шу тариқа, МЧЖ улушларини бўлиш чоғида иштирокчининг эри (ёки хотини) янги иштирокчи сифатида қаралиши мумкин эмас деб айтиш мумкин, чунки у аввал-бошдан кўрсатилган улушларга эгалик ҳуқуқига эга бўлган. Шу сабабли муассис ҳисобланмаган эр (ёки хотин) фақат пул компенсацияси олишга ҳақли деб сўзлаш тўғри бўлмаса керак, зеро бу улушларга эгалик қилиш билан боғлиқ, шу жумладан кейинчалик фойданинг бир қисмини олишга доир ҳуқуқлар қисмдан маҳрум қилади.

Ушбу ҳолда Оила кодексининг нормаларига амал қилиб, улушнинг бир қисмини оиланинг иккинчи аъзосига бериш керак эди. Бироқ бошқа иштирокчилар унинг улушга эгалик қилишга киришишига қарши бўладиган вазият юзага келиши мумкин. Қонунда баён этилган муаммонинг аниқ тартибга солилмаганлиги унинг ҳал қилинишини қийинлаштириб, холос.

ОИЛА ҲАМ ЖАМИЯТ

Фикримизча, оилавий ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини чегаралаш ҳамда ОК 5-моддасининг фуқаролик қонунчилиги нормаларини оилавий муносабатларга қўллаш мумкинлигини унутмаслик зарур. Ҳуқуқий тартибга солиш предметига корпоратив муносабатларни киритадиган фуқаролик ҳуқуқидан фарқ қилиб, оила ҳуқуқи фақат оила аъзолари ўртасида юзага келадиган шахсий номулкнинг ва мулкнинг муносабатларни тартибга солади. Шу сабабли эр ва хотиннинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланган МЧЖ устав капиталдаги улушларни тасарруф этиш тўғрисида сўз борганда, фикримизча, мазкур муносабатларга Оила кодексини қўллаш керак.

МЧЖ устав капиталдаги улушга даъво қилаётган эр (ёки хотин)ни жамиятга қабул қилиш тўғрисида сўз борганда, ушбу муносабатлар корпоратив муносабатлар деб номланмаган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тоифасига ўтади деб ҳисоблаймиз. Шу боис мазкур масалани ҳал қилиш чоғида оилага доир эмас, балки фуқаролик қонун ҳужжатлари, хусусан, ФК ва МЧЖ тўғрисидаги Қонун қўлланиши керак.

Шу тариқа, МЧЖ устав капиталдаги улушнинг бир қисмини олишга даъво қилувчи эр (ёки хотин), бизнингча, ҳақиқий улушнинг бир қисмини пул компенсацияси кўринишида олишга умид қилишга ҳақлидир ва у, агар МЧЖнинг бошқа иштирокчилари бунга қарши эътироз билдиришса, уни жамият иштирокчиси сифатида эътироф этиш масаласини судда қўйишга ҳақли эмас.

Елена ЕРМОХИНА,
«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий
масалалар бўйича
эксперт-маслаҳатчиси.

Фуқаролик муносабатлари

ЭР ВА ХОТИН БИР МЧЖДА


Оила кодекси (бундан кейин – ОК) 23-моддасининг иккинчи қисмига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига бошқа ашёлар сирасида уларнинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, кирилади.

Юқорида кўрсатилган модданинг маъносидан келиб чиқиб, никоҳ даврида эр ва хотиннинг ҳар бири томонидан киритилган, масъулияти чекланган жамиятнинг устав капиталдаги улуши, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида МЧЖ муассиси (иштирокчиси) сифатида ким кўрсатилганлигидан қатъи назар, уларнинг биргаликдаги мулк ҳисобланади. Бундай вазият ҳозирги вақтда гоёта кенг тарқалган, чунки хотиннинг мол-мулк шартномавий режими ҳозирча анча кам белгиланади. Айни вақтда никоҳ шартномасида эр ва хотиннинг никоҳдаги ва (ёки) у бекор қилинган тақдирдаги мулкнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланади. Никоҳ шартномасида эр ва хотин қонун йўли билан белгиланган умумий биргаликдаги мулк режимини ўзгартиришга, ўз мол-мулкларининг ҳаммасига, унинг айрим турларига ёки улардан ҳар бирининг мол-мулкига биргаликда, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш режимини ўрнаттиришга ҳақлидир.

Шу муносабат билан кўп саволлар юзага келади.

Агар эр ва хотиннинг бири никоҳ даврида МЧЖ муассиси (иштирокчиси) этиб тайинланган бўлса, турмуш ўртоғининг МЧЖ устав капиталдаги улуши билан битимлар тузишга розилиги талаб қилинадими?

Мол-мулк тақсимланганда улар улушларининг миқдорлари қандай белгиланиши керак? МЧЖ иштирокчиси ҳисобланмаган эр (ёки хотин) мол-мулк тақсимланаётганда уни иштирокчилар таркибига киритишга даъво қилишга ҳақлими ёки у фақат пул компенсацияси олишга умид қила оладими?



ган охириги ҳисобот даври учун жамият бухгалтерия ҳисоботининг маълумотлари асосида белгиланади (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 22-моддасининг бешинчи қисми).

Бундан ташқари, улуш қийматининг учинчи тури – шартномавий қийматни ажратиб кўрсатиш мумкин. У олди-сотди, айирбошлаш ва ҳоказо битим иштирокчиларининг келишув бўйича белгиланади ҳамда тарафлар томонидан унинг мажбуриятлари ижроси чоғида қўланади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш чоғида улуш қийматининг қайси бир тури ҳисобга олинади кераклиги масаласи амалдаги қонунчилик томонидан аниқ ва узил-кесил ҳал этилмаган. Эҳтимол, ушбу ҳолда ФКнинг 5-моддасига асосан ўхшашлик бўйича МЧЖ тўғрисидаги Қонун-


охирги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки жамият иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматда мол-мулкни аслида бериши шарт. Улушнинг ҳақиқий қиймати жамият (унинг иштирокчиларининг) иштирокчи ва учинчи шахслар олдидидаги мажбуриятлари миқдорини қуйидаги ҳолларда ҳам белгилайди: жамиятдан чиқиш, чиқариш; МЧЖ иштирокчиларининг юридик шахсларнинг ҳуқуқий воясизлик чоғида ва меросхўрлик бўйича улушнинг ўтишидан бош тортишлари.

Бундай ҳоллар сирасига мол-мулкни бўлишни ҳам киритиш мумкин деб ўйлаймиз. МЧЖ тўғрисидаги Қонунга қуйидагича маънони англададиган қўшимча кири-

ки ҳақиқий қийматидан келиб чиқиб, пул компенсациясини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Эр-хотин ва МЧЖ бошқа иштирокчиларининг келишувига кўра жамиятнинг устав капиталдаги улушни тўлаш талабини қўйган эрга (ёки хотинга) МЧЖ худди шундай қийматдаги мол-мулкни бериши мумкин.

УЛУШ КИМНИКИ?

Агар МЧЖ устав капиталдаги эр (ёки хотин) улушнинг бир қисми турмуш ўртоғига берилса, у ўзини иштирокчилар таркибига киритишларига даъво қила олишга ҳақли ёки ҳақли эмаслиги ёки у фақат пул компенсацияси олиши мумкинлиги масаласи ҳам амалдаги қонунчиликда ҳал этилган эмас. Улуш никоҳ даврида киритил-



ТОП

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!


«Норма маслаҳатчи» N 8 (293)

2011 йил 28 февраль

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



**АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА
СИФАТ ВА КАФОЛАТ**



Тошкент ш., Қибрай (собик М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz



ART MEBEL GROUP

Офис ва уй учун

МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Мақбул нархларда
шинам мухит ҳосил қилинг!!!

Фирма мебель салонларимиз:

1. Тошкент универмаги (собик МУМ) – 3-қават
2. Беруний кўч., Б-1, 2-уй, 1-секция (мўлжал – “Фунча” кинотеатри, “Тинчлик” м.б.)



Тўлов – исталган шаклда
Товар сертификатланган

Тел./факс: (+99871) 244-86-31, 244-59-54, (+99898) 310-20-77 www.art-mebel.uz

«GROTEKS» ҚҚ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

**ОФСЕТ
ҚОҒОЗИ**

Бичими – **70, 80, 120 г/м²**
рулонларда 84 см «НЕМАН» ЦБК (Россия)

Тел./факс: 766 34 24, 244 25 26, 244 11 60

E-mail: groteks@list.ru

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов – исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги ВК туридаги, Вихрли
дренаж учун ГНОМ туридаги ЦМК туридаги фекаль
К туридаги, Консоль «Андижанец» насоси
«КАСКАД» ҚЎЗ

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

Рўйхатлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 7 февралдаги ҳал қилув қарорларига асосан

Шайхонтохур туманидаги тугатилаётган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами	Директор	Юридик манзили	Қарор рақами
"ALMAMATER FOODS"	300948060	26.09.2008 008776-09	С.Самигов	Ибн Сино 1-мавзеси, 15-80	10-1107/1146
"GRAND STAR LINE"	301276724	30.07.2009 003455-09	Б.Каримов	Фурқат кўч., 8-45	10-1107/1131
"ODIL QADAM" ХК	205193661	10.08.2004 355-09	С.Олимжонов	Жар ариқ мавзеси, 6-172	10-1107/1129
"MUHSIN MAKSI TRADE"	301209623	04.06.2009 003360-09	А.Гаджиев	Уйғур кўч., 346	10-1107/1148
"ERDONA LYUKS PLYUS"	301192007	19.05.2009 003325-09	Ш.Мелибоева	Алижон Холиқов кўч., 14	10-1107/1141
"KETRING TEX" МЧЖ	300469325	29.05.2007 001917-09	М.Маҳқамов	Учқўрғон 2-ўтар кўч., 32	10-1107/1109
"RAZZOQ SAVDO BIZNES" МЧЖ	301288985	12.08.2009 003491-09	У.Ўринбоева	Шайхонтохур кўч., 76-22	10-1107/1137
"TEXNO-KOMOL" МЧЖ	301367831	05.03.2010 003715-09	-	С.Дарвоза, Термиз ўтар кўч., Дучор, 37	10-1107/1118
"ARAVASH SAYORASI"	300811540	21.04.2008 2513-пр	А.Қодирова	Жангоҳ мавзеси, 5-4	10-1107/1147
"FAYZ-SAVDO" ХФ	203596160	24.04.2001 2660-пр	Р.Зоирова	Навоий кўч., 28а	10-1107/1122
"SARO AGRO SERVIS" МЧЖ	301599495	03.05.2010 004255-09	Ж.Худойқулов	Супермаркет	10-1107/1154
"QAMBAROV ALISHER"	300935814	15.09.2008 002851-09	А.Қамбаров	Охунбобоев кўч., 1	10-1107/1127
"SERVISE"	300709627	06.02.2008 002357-09	А.Акмалов	Хувайдо 2-тор кўч., 35	10-1107/1136
"STAR PAY UNIVERSAL" МЧЖ	301484576	05.02.2010 003988-09	-	Шуманай 3-тор кўч., 37а	10-1107/1142
"SPARTA MEDIA" МЧЖ	300412697	23.08.2007 2660-пр	У.Жалилов	Уйғун кўч., 53	10-1107/1152
"JAVLON-MADINA" ХК	205845102	12.10.2005 952-09	Ж.Мелиев	Ҳақиқат кўч., 21	10-1107/1128
"RENTA TRAST" МЧЖ	205594147	05.04.2005 2660-пр	Н.Содиқов	Навоий кўч., 7	10-1107/1106
"ABDUMALIK INDUSTRIES"	300909164	12.08.2008 002787-09	Р.Назаров	Навоий кўч., 24	10-1107/1132
"SARMOYA-EKO" МЧЖ	205006916	19.04.2004 214-09А	Абдурахмонов	Навоий кўч., 44	10-1107/1102
"GROUP GWARDIY" МЧЖ	301322587	18.09.2009 003582-09	К.Ғозиев	Т.Расулов кўч., 99	10-1107/1110
"JASUR-DONIYOR" МЧЖ	204134995	19.08.2002 817	Д.Юлдашев	Сой бўйи, 7	10-1107/1114
"USMON BIZNES"	301231749	22.06.2009 003381-09	М.Воҳобов	Саргузашт кўч., 23	10-1107/1130
"SHIFO-PARISI" ХК	205199867	17.08.2004 368-09	Ф.Жамилова	Ген.Узоқов кўч., 60а-15410	10-1107/1144
"JAZZQURASH" МЧЖ	205272151	16.11.2004 483-09	Г.Исанбоев	Гулбод даҳаси, 12-43	10-1107/1107
"BOOKVARIO CENTRAL ASIA" МЧЖ	206984396	18.12.2008 003012-09	С.Уркинбоев	А.Қодирий кўч., 1а	10-1107/1105
"FARARUD GROUP" МЧЖ	206984658	23.12.2008 003021-09	Р.Зокиров	Навоий кўч., 17	10-1107/1120

Мақзур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва штамплари бекор қилинади. Дебитор ва кредитор даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда махсус комиссия томонидан Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7а-уй манзили бўйича жойлашган Шайхонтохур тумани ҳокимияти

биносининг 2-қаватидаги Тадбиркорларни рўйхатга олиш хонасида қабул қилинади. Тел. 241-87-45.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 18 январдаги 10-1015/22465-сонли ҳал қилув қарорига асосан Сергели туманидаги "Max Leat Invest" МЧЖ (СТИР 301217645) банкрот деб эълон қилинган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Сергели туман ДСИ ходими Ш.Муродов тайинланган. Мақзур корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ҳамда барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида куйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, 6а-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 2-хона. Тел.: 257-74-51, 257-85-93.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 9 февралдаги 10-1119/1994-сонли ажримига асосан Миробод туманидаги "FORMATION SET SERVIS" МЧЖ (СТИР 301222119) бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2011 йил 28 февраль куни соат 10.00 да Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 610-хонада ўтказилиши белгиланган ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 1 март куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 1-залида судья М.К.Астанов томонидан кўрилиши тайинланган.

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
УЭР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Аудиторлик текширувлари ҳамда МХХС ва БХМС бўйича малакали хизматлар

Бухгалтерия хисоботи ва баланс тузиш

САР ва СІРА сертификатларига эга аудиторлар керак

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

“Аудит-ВАРН” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БХМС ВА МХХС БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

126-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099, уяли: +998971192248
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
Тошкент вил., тел. +998974541664

«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
УЭР АВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳужжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини кўрсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавҳар кўч., 124.
Тел. (8371) 279-47-16, факс (8371) 279-44-01.
Уяли: (+99897) 402-05-00, 340-95-82, 335-19-67, (+99894) 663-77-74.
E-mail: itc_nazorat-audit@mail.ru

Вилотлардаги влока боғлаш телефонлари:
Нукус (+99861) 357-43-26, Хоразм (+99862) 524-51-55,
Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99896) 777-01-63,
Наманган (+99895) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел. (+99897) 330-45-71.

Дебиторлик қарзини ундириш. Юридик хизмат кўрсатиш. Хўжалик, жиноят ишлари*.
Тел. (+99897) 100-47-33.

ЭЪЛОНЛАР

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик ва бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 185-48-30.

Аудиторлик хизматлари. Арзон*.
Тел. 176-23-13.

«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

«SHARQIY MASLAK» аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви, профессионал хизматларни таклиф этади. Банкрот корхоналарни тугатиш жараёнида қатнашади.
Тел./факс: 250-37-75.
Уяли: 733-17-29.

Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик судида вакиллик қилиш. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш. Адвокат Шуман Неля Сергеевна*.
Тел./факс: 242-33-52; 341-03-50 (уяли).

ХИЗМАТЛАР

Ташкилий техника: компьютерлар, ноутбуклар, мониторлар, принтерларни таъмирлаш. Тўлдирки Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хизмат кўрсатиш. Windows, дастурий таъминот ва Интернет ўрнатиш ва созлаш. Жойига чиқиш билан.
Тел.: (+99897) 450-03-24
Светлана.
(+99897) 158-46-10 Сергей.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*. Тел.: (+99898) 365-33-50, 365-68-60.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Тиклаш. Юритиш.
Тел. 100-65-80.

Видео-, фотосуратга олиш*.
Тел. (+99897) 709-20-17.

*Хизматлар лицензияланган.



Рўйхатлар

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 21 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан Пискент туманидаги “Гофуров Баҳром” ФХ содалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш жараёни бошланган. Мазкур корхона бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Пискент туман ДСИ ходими К.Эшонкулов тайинланган. Ушбу корхонанинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бекор қилинади. Кредиторлар талаблари 1 ой муддат ичида қабул қилинади. Кредиторларнинг йиғилиши 2011 йил 18 март куни соат 10.00 да Тошкент вилояти, Пискент тумани, Бобур кўчасида жойлашган Пискент туман ДСИ биноси, 2-қават, 16-хонада ўтказилади. Ушбу корхонага алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой муддат давомида ўзларининг мурожаатларини Пискент туман ДСИга билдиришлари мумкин. Тел. 54-51-056.


Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 7 февралдаги ҳал қилув қарорларига асосан

Шайхонтоҳур туманидаги тугатилаётган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами	Директор	Юридик манзили	Қарор рақами
“QADRIYAT PLUS”	301276914	30.07.2009 003457-09	-	Х.Мусахонов кўч., 39а	10-1107/1117
“QODIRJON BARAKA”	301320804	17.09.2009 003577-09	Р.Рахимжонов	Сохибоев кўч., 31	10-1107/1124
“PERFECT STYLE” МЧЖ	301395838	09.12.2009 003788-09	Х.Гаюпов	Бешёғоч мавзеси, 9-24	10-1107/1133
“ISMOIL OMAD BARAKA” МЧЖ	301450064	19.01.2010 003904-09	И.Салимов	Оқтепа мавзеси, 14-34	10-1107/1134
“AZELAR SERVIS”	300962440	15.10.2008 002901-09	-	Гулбод мавзеси, 80-17	10-1107/1123
“E'ZOZA-NUR TEKS”	300154204	19.01.2007 001659-09	М.Фаттохова	Гулбод мавзеси, 44-22	10-1107/1125
“SAVINTEX” МЧЖ	301455833	21.01.2010 003914-09	Б.Латипов	Кизил гунча кўч., 13	10-1107/1111
“DIETOLOG XRR”	301334287	02.10.2009 003607-09	Р.Хусамитдинов	А.Рашидов кўч., 23	10-1107/1145
“SAYYID HONEST” МЧЖ	301536067	11.03.2010 004117-09	С.Камолов	Гулбод мавзеси, 38-18	10-1107/1112
“ASAD SERVIS” МЧЖ	203651006	13.06.2006 09-01776	Ш.Мусахонов	У.Юсупов кўч., 3	10-1107/1153
“MEDISSA-PRESS” МЧЖ	206847526	19.02.2007 1725-09	Ш.Матёкубов	Навоий кўч., 30	10-1107/1135
“GULBOZOR-VIDEO” ХК	206938239	12.11.2007 2201-09	Д.Ақбаров	Уйғур, Ҳақиқат тор кўч., 2	10-1107/1149
“RAKAT AVTO SERVIS” МЧЖ	207062879	09.02.2010 004008-09	-	Гулбод мавзеси, 54-39	10-1107/1115
“MJM GRAND TUR” МЧЖ	301468817	28.01.2010 003943-09	А.Пўлатов	Навоий кўч., 7	10-1107/1104
“BUNYODKOR PLUS”	300742270	27.02.2009 002413-09	Р.Махмудов	Ген.Узоқов кўч., 2	10-1107/1139
“STEEL CONSTRUCTION TECHNOLOGY”	301332789	30.09.2009 003596-09	-	Беруний кўч., 41	10-1107/1108
“FARANGIZ OLTIN QURILISH SERVIS”	301202546	28.05.2009 003349-09	Ф.Содиқов	Чорсу мавзеси, 7-17	10-1107/1151
“BC-EACT” МЧЖ	202036708	13.12.1996 1820/12	В.Хичев	Максумов кўч., 29-1	10-1107/1155
“NIKRO-LYUKS” ХФ	204501586	16.04.2003 540	Р.Никитин	Бешёғоч, 6-27	10-1107/1113
“VESTTORG ROG” ХК	205843041	02.03.2006 1135-09	С.Митрофанов	З.Қобулова кўч., 16	10-1107/1150
“KABEL TRANSSET” МЧЖ	206938340	14.11.2007 2213-09	А.Зайнутдинов	Нуробод 1-ўтар кўч., 1	10-1107/1119
“HIGHFLY-TRADE” МЧЖ	207069267	17.03.2010 004140-09	-	Есенин кўч., 1	10-1107/1140
“DILFUZA-MUBORAK” ХФ	200840080	22.10.1993 36/10	Х.Саматова	Форобий кўч., 13а	10-1107/1126
“GRAND DEKOR LUX”	301116502	27.03.2009 003203-09	Ю.Наммадов	Б.Зокиров ва Беруний кўчаси кесишувида жойлашган дўкон	10-1107/1143
“R KARIM INVEST” МЧЖ	301608411	12.05.2010 004277-09	А.Рахметов	Боғ кўча., 1-80	10-1107/1138
“TINCHLIK MEGA” МЧЖ	300772069	25.02.2009 123-PR	Х.Тўлаганов	Беруний кўч., Марказ-27, 3	10-1107/1116
“YANHOXON NURAFSHON BIZNES” МЧЖ	301593339	26.04.2010 004241-09	Х.Ходжаева	Қоратош кўч., 135	10-1107/1121

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва штамплари бекор қилинади. Дебитор ва кредитор даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда махсус комиссия томонидан Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7а-уй манзили бўйича жойлашган Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти биносининг 2-қаватидаги Тадбиркорларни рўйхатга олиш хонасида қабул қилинади. Тел. 241-87-45.



Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарорларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
“Golden Rivel	
Trave” МЧЖ	10-1107/1587
“Antaris	
Biznes” МЧЖ	10-1107/1588
“Best Servis	
Food” ХК	10-1107/1586

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб К.Исмоилов тайинланган. Корхоналарга тегишли бўлган муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналарнинг мурожаатлари 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хона.

Истиқдодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР **ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул: Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келмастайди.
Таҳририят огоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас.
Таҳририят мушаррийлар билан ўзишб туриш имкониятига эга эмас.
“Norma маслаҳатчи”да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Norma” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.
Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “ТОПРИНТ” МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс — 186 Буюртма 933 Адали 5280. Баҳоиси келтирилган нархда
Газета 2011 йил 25 февралда соат 23.30 да топширилади.
ISSN 2010-5223